

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШ КАФЕДРАСИ

БАКАЛАВРИАТ 5610100 – ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШ ЙЎНАЛИШИ

4.33 - ГУРУХ ТАЛАБАСИ

Саъдуллаев Абдусамад Абдуқаюмовичнинг

Б И Т И Р У В

М А Л А К А В И Й И Ш И

**Мавзу: аграр тармоққа инвестицияларни жалб этишнинг иқтисодий
самарадорлиги**

Илмий раҳбар:

Фермер хўжалигини бошқариш”
кафедраси доценти, и.ф.н.

Мардиев Н.

Иш кўриб чиқилди ва ҳимояга қўйилди»

<p align="center">Фермер хўжалигини бошқариш кафедраси мудири, Доцент Пулатова Р.</p> <p align="center">_____</p> <p align="center">201__ йил «__» _____.</p>	<p align="center">Фермер хўжалигини бошқариш факультети декани, доцент А.Шокиров</p> <p align="center">_____</p> <p align="center">201__ йил «__» _____.</p>
--	---

Тошкент - 2014 й

Мундарижа

	КИРИШ	2
	АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ	4
1-боб.	АГРАР СОҲАГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ	8
1.1.	Республикамиз инвестиция сиёсатининг асосий йўналишлари	8
1.2.	Аграр соҳага инвестициялар жалб қилишнинг ҳуқуқий асослари.	17
2-Боб.	ИНВЕСТИЦИЯЛАРИНИ ЖАЛБ ЭТИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИНГ ТАҲЛИЛИ	30
2.1	Иқтисодиётни ривожлантиришга инвестицияларни жалб этишни фаоллаштириш ва хорижий мамлакатлар тажрибаси	30
2.2.	Аграр тармоқда инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш таҳлили.	39
3-Боб.	АГРАР СОҲАНИ ИНВЕСТИЦИЯЛАШНИ БАҲОЛАШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	51
3.1.	Инвестициявий лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш усуллари	51
3.2.	Аграр тармоққа жалб қилинадиган инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлик омиллари.	58
	ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР	67
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	70

К И Р И Ш

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикасида мустақилликка эришилгандан кейинги қисқа давр ичида амалга оширилган туб сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар натижасида миллий иқтисодиёт ривожига салбий ҳолатларни бартараф этиш, барқарорликни таъминлаш ва муттасил иқтисодий ўсишга эришишга муваффақ бўлинди. Бу ижобий силжиш яхлит олинган миллий иқтисодиёт ва унинг асосий етакчи тармоқларига тааллуқлидир.

Шу билан бир вақтда аҳоли сонининг муттасил ўсиб бориши ва ҳар бир жамият аъзоси эҳтиёжларининг ошиб боришини ҳисобга оладиган бўлсак, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш босқичидаги иқтисодий ўсиш суръатлари ҳали талабга тўла жавоб берадиган даражада эмаслиги намоён бўлади. Бундан ташқари, республикада эришилган иқтисодий ўсишга катта капитал сарф қилиш эвазига эришилмоқда. Республикаимиз Президенти И.Каримовнинг бу долзарб масала юзасидан билдирган куйидаги фикрлари жуда ўринлидир: "Иқтисодий ривожланиш суръатлари ҳақида гапирганда, мен эътиборингизни муҳим бир масалага жалб этмоқчиман. Албатта, тез суръатлар билан ривожланиш катта аҳамиятга эга эканини ва бунинг фойдасини ҳеч ким инкор қилолмайди. Лекин барчамизга аён бўлиши керакки, ҳар қандай ўсиш кўрсаткичлари номигагина эмас, аввало, бундай ўсишлар иқтисодиётимизда юз бераётган таркибий ўзгаришлар, унинг изчил ва барқарор ривожини учун хизмат қилиши, халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтиришга, бир сўз билан айтганда, амалий ҳаётимизни яхшилашга олиб келиши лозим."¹

Ислохотлар чуқурлаштирилаётган ҳозирги босқичда молиявий институтларнинг республикаимизда нисбатан анча яхши ривожланган номояндалари бўлмиш банкларнинг иқтисодиётни инвестициялашдаги роли сезиларли даражада ортмоқда. "Аслини олганда банк тизими иқтисодий ислохотлар ўтказишда ўзига хос локомотив ролини ўйнаши, барча хўжалик

¹ Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. "Халқ сўзи", 2001 йил, 17 феврал".

юритувчи субъектларни ўз ишларини фаол равишда қайта қуриш, бозор механизмларини қатъий эгаллашга ундовчи институт бўлиши лозим,"² - дея таъкидлаган эди Президентимиз И.А.Каримов. Худди шунинг учун ҳам иқтисодий молиялашда инвестициялар таркибий тузилиши ва унинг ўзгаришининг ўзига хос хусусиятларини, инвестиция объектларини танлашда молиялаштириш самарадорлигини аниқлаш (баҳолаш) ҳамда иқтисодий ўсишни рағбатлантиришда банк инвестициялари истиқболини аниқлаш зарурдир.

Юқорида қайд этилган ҳолатлар танланган иш мавзусининг долзарблиги, унинг тадқиқот услуби, ишнинг таркибий тузилиши ва мазмунини баён этиш тартибини белгилаб берди.

Битирув малакавий ишнинг мақсади – аграр тармоққа жалб қилинаётган инвестициялар, инвестицион лойиҳаларни таҳлил қилиш ва тегишли хулосалар қилиб, таклиф лар ишлаб чиқиш.

Қўйилган мақсадга мувофиқ қуйидаги вазифалар амалга оширилди:

- Республикамиз инвестиция сиёсатининг асосий йўналишлари ва ҳуқуқий асослари ўрганилди,
- Инвестициялар жалб қилишнинг иқтисодий самарадорлигини белгиловчи омиллар таҳлил қилинди,
- Инвестициявий лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш усуллари тадқиқ этилди,
- Тегишли хулосалар қилиш ва таклифлар ишлаб чиқилди.

АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

²Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.7.

Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, 24.12.1998 й.

Қонунда инвестицияларга қуйидагича таъриф берилган “инвестициялар — иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлар” дир.

"Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги Қонун айниқса аҳамиятлидир. Мазкур Қонун 28 та моддадан иборат бўлиб, уларга Ўзбекистон Республикасининг 12.12.2003 йил 568 - II сон, ЎЗР 10.10.2006 йил ЎРҚ - 59 - сон, Ўзбекистон Республикасининг 31.12.2008 йил ЎРҚ - 197 - сон Қонунларига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган. Ушбу Қонунга биноан (7 - модда) инвестиция фаолиятида қуйидаги субъектлар иштирок этади:

- инвесторлар;
- буюртмачилар (маблағ киритувчилар);
- кредиторлар;
- сотиб олувчилар;
- инвестиция фаолияти иштирокчилари вазифасини бажарувчилар.

Инвесторлар - бу юридик ёки жисмоний шахслар бўлиб, инвестиция фаолияти объектларига ўз маблағларини, жалб қилинган маблағларини ёки заёмларини, уларга доир ҳуқуқларни киритади ва мулкый бойликларни тасарруф этиш юзасидан молиявий қарорларни қабул қиладилар.

"Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги Қонуни (1998 йил).

"Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги Қонуннинг 4 - моддасига мувофиқ, чет эллик инвесторларга қўшимча кафолатлар ва уларни ҳимоя қилиш чоралари ҳар бир муайян ҳолда, яъни:

-барқарор иқтисодий ўсишни, мамлакат иқтисодиётида илғор тузилмавий ўзгаришлар рўй беришини таъминловчи устувор тармоқларга инвестициялар киритилаётганда;

- республиканинг экспорт имконияти мустаҳкамланиши ва кенгайишини,

республика жаҳон хўжалик алоқаларига интеграциялашувини таъминловчи устувор лойиҳаларга инвестициялар киритилаётганда;

-амалга оширилиши хом - ашё ва материалларни қайта ишлашга, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишга, аҳолини иш билан таъминлашга қаратилган кичик тадбиркорлик соҳасидаги лойиҳаларга инвестициялар киритилаётганда берилиши мумкин.

Бу кафолатлар инвестор ва Ўзбекистон республикаси ҳукумати томонидан тузиладиган инвестиция шартномаларини тузиш тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонуни, 30.04.1998 й.

Қишлоқ хўжалик корхоналарига чет эл инвестицияларини жалб этишда "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги Қонун ҳам асосий ҳуқуқий база таркибига киради. Ушбу Қонун 22 та моддадан иборат бўлиб, унинг асосий вазифаларига чет эл инвестициялари кириб келишини рағбатлантириш йўли билан Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантириш ва унинг жаҳон тизимига кўшилишига кўмаклашиш ва чет элнинг молиявий, моддий,

интеллектуал ва бошқа ресурсларини, замонавий хорижий технологияларни ва бошқарув тажрибаси жалб этиш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш (1 - модда) киради.

Мазкур Қонуннинг 3 - моддасида чет эл инвестицияларига шундай таъриф берилади: Чет эллик инвесторлар асосон даромад (фойда) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа турдаги фаолият объектларига қўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ва уларга доир ҳуқуқлар, шу жумладан, интеллектуал мулкка доир ҳуқуқлар, шунингдек, чет эл инвестицияларидан олинган ҳар қандай даромад Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестициялари деб эътироф этилади.

Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010 – 22 бет.

Президентимиз И.А. Каримовнинг “Бугунги шароитда эса бундай ижобий ўзгариш иқтисодиётимизнинг истикболдаги тараққиёти учун ғоят муҳим

аҳамиятга эга”- деб таъкидлаган эди бу асарида.. Айтиш керакки, ташқи қарзлар аксарият ҳолларда узоқ муддатга, фақат иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаш учун жалб қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси президенти Ислон Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий иқтисодий ривожлантириш якунлар ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг енг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. 2013 йил. 18 январ.

Ўзбекистон Республикаси президенти Ислон Каримов ўз маърузасила қуйидагиларни таъкидлади “...узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган, мамлакатимизнинг салоҳияти, қудрати ва иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган муҳим устувор йўналишлардан бири – бу асосий етакчи соҳаларни модернизация қилиш, қишлоқ хўжалигини техник ва технологик янгилаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб боришдан иборатлиги ҳамда ўтган йилда иқтисодиётимизга 11,7 млрд. АҚШ доллари миқорида ички ва хорижий инвестициялар жалб этилган ёки бу борадаги кўрсаткич 2011 йилга нисбатан 14 фоизга ўсган. Жами инвестицияларнинг 22 фоиздан ёки 2,5 млрд. АҚШ долларидан ортиғини хорижий инвестициялар ва халқаро кредитлар ташкил этади”.

Каримов И.А. Асосий вазифамиз–ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент, ”Ўзбекистон”, 2010. - 64б

Ўзбекистон Республикаси президенти Ислон Каримов бу асарида “Ҳукумат, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини уларга кредит ажратишни сезиларли даражада кенгайтириш бўйича чора-тадбирларни кучайтириши шарт” эканлиги таъкидлади.

Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини

янада юксалтиришдир. – Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги «Асосий вазифамиз – Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузасида - “Узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган, мамлакатимизнинг салоҳияти, қудрати ва иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган навбатдаги муҳим устувор йўналиш – бу асосий етакчи соҳаларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб боришдан иборат”, -деб таъкидлади.

I-БОБ. АГРАР СОҲАГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Республикамиз инвестиция сиёсатининг асосий йўналишлари

Умумий тарзда олганда лойиҳа – бу муайян мақсадни кўзлаган, корхона фаолиятини ўзгартириш тўғрисидаги махсус тарзда расмийлаштирилган таклифдир.

Инвестицион лойиҳа – чекланган вақт ва чекланган ресурслар билан муайян мақсадга эришиш учун йўналтирилган, ўзаро боғлиқ ва мувофиқлаштирилган ташкилий, техник ва инвестициявий тадбирлар мажмуасидир.

Инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда инвестицияларни жалб қилиш бўйича Ўзбекистон Республикасида инвестиция хусусида қонуний ҳужжатлар

1991 йилдан бошлаб қабул қилинган бўлиб, улар ўтган вақт ичида анча такомиллаштирилди. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонунида кўрсатилишича, “инвестициялар — иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлар”³. Бу иқтисодий таъриф инвестициянинг бозор иқтисодиёти шароитига мос келишини тўлалигича тасдиқлайди. Жумладан, унда, биринчидан, инвестициянинг ўзига ва инвестиция фаолиятининг объектларига кенг таъриф берилган. Иккинчидан, инвестициянинг бевосита иқтисодий ва ижтимоий самара олишга муқаррар боғлиқлиги таъкидлаб ўтилган. Демак, инвестицияга бозор муносабатларидан келиб чиқиб берилган таърифнинг ўзидаёқ инвестиция жараёнининг ҳажми, асосий босқичлари, яъни жамғармалар (ресурслар), қўйилма маблағлар (сарф-харажатлар), самара (даромад, фойда) аниқ ва равшан кўрсатиб ўтилган.

Инвестицион лойиҳа сифатида кўп нарсани қабул қилиш мумкин: элеватор қуриш, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг янги технологиясини ишга тушириш ва бошқалар. Бундай тадбирларнинг барчаси бир қатор умумий белгиларга эга:

- улар муайян ва аниқ белгиланган мақсадга эришиш учун йўналтирилган;
- бир қатор ўзаро боғлиқ ҳатти-ҳаракатларни амалга оширишни назарда тутади;
- бошланиш ва тугалланиш вақти аниқ белгиланган бўлади;
- ресурсларнинг чекланганлиги ва ташқи шароитларнинг мавжудлиги билан (институционал, иқтисодий, ҳуқуқий ва ҳ.) тавсифланади;
- ресурсларни киритиш ва натижа олиш жараёнлари ўзаро боғланган, бунда бир марталик қўйилмалар (вақтнинг чекланганлиги) узок вақт давомида натижаларга ўз таъсирини кўрсатади;
- ҳар бири такрорланмас шароитларга эга ва ўзига хос.

Санаб ўтилган белгилар лойиҳаларни бошқа турдаги тадбирлардан фарқлаш имконини беради; уларнинг мавжудлиги тадбирни лойиҳа сифатида эътироф

³ Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, 24.12.1998 й.

этилишига имкон беради.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг асосий ва айланма ишлаб чиқариш фондларида инвестицияларни молиялаштиришнинг ўзига хос манбалари шакллантирилган бўлиб, бундай манбалар корхоналарнинг ўз-ўзини молиялаштириш тамойилларига асосланади.

Инвестиция фаолиятини молиялаштириш манбалари ва иштирокчилари қуйидаги жадвалда келтирилган (1.1-жадвал).

Ҳозирги кунда Республикамизда инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг қуйидаги манбалари мавжуддир:

1.1-жадвал

Инвестиция лойиҳасини молиялаштириш манбалари ва иштирокчилари таснифи

Гуруҳлар	Кичик гуруҳлар	Инвестиция фаолияти иштирокчилари ташкилий шакллари
Бюджет ва нобюджет фондлар	Давлат бюджети	Ҳукумат Иқтисодиёт вазирлиги Молия вазирлиги
	Маҳаллий бюджетлар	Маҳаллий ваколатли органлар
	Нобюджет фондлар	Пенсия фонди Бандлик фонди Инвестиция фонди ва бошқа фондлар
Кредит тизими	Банклар Кредит муассасалари	Марказий банк Давлат ғазначилиги Инвестицион банклар Кредит уюшмалари
Суғурта тизими	Суғурта фондлари ва ташкилотлари	Давлат суғурта компаниялари Нодавлат суғурта компаниялари

Молиялаш-тиришнинг жамоавий шакллари	Инвестицион ташкилотлар Инвестицион банклар Суғурта ташкилотлари	Инвестиция компаниялари ва фондлари Нодавлат пенсия фондлари Суғурта компаниялари Пайли инвестицион фондлар
Хорижий инвесторлар	Чет эл давлатлари, ҳукуматлари, халқаро молиявий институтлар, тижорат банклари, институционал инвесторлар, инвестицион банклар	Жаҳон банки Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро молиявий корпорация
Корхоналар, жисмоний шахслар		Мулкчиликнинг турли шаклларидаги ҳар қандай корхоналар

1. Корхона ва жисмоний шахслар жамғармалари.
2. Банк кредитлари ҳисобидан молиялаштириш.
3. Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари фондлар маблағлари ҳисобига молиялаштириш.
4. Хорижий инвестициялар.

Сўнгги йилларда инвестициялар таркиби, хусусан, бюджетдан ажратиладиган инвестициялар ва банк кредитлари аҳамияти кескин ўзгарди.

Айни пайтда инвестициялар молиявий манбалари таркибий тузилишида ҳам сезиларли ўзгаришлар рўй берди (1.2-жадвал).

1.2-жадвал

2008-2013 йилларда инвестициялар таркибининг ўзгариши, фоизда

Молиялаштириш манбалари	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил
Давлат бюджети	9,0	8,1	7,4	5,1	5,1	5,0
Чет эл инвестициялари	25,8	32,4	28,8	25,3	22,2	28,6
Корхоналар ва аҳоли маблағлари	53,9	46,9	47,3	49,0	50,9	47,0
Бошқа манбалар	11,3	12,6	16,5	20,6	21,8	19,4

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Жадвал маълумотларидан кўринадики, инвестициялар молиявий манбалари таркибида давлат бюджетининг улуши 2008 йилдаги 9,0 фоиздан 2009 йилда 8,1

фоизга қадар, корхоналар ва аҳоли маблағлари улуши тегишли равишда 53,9 фоиздан 46,9 фоизга қадар пасайган. Чет эл инвестицияларининг улуши эса, аксинча, 25,8 фоиздан 32,4 фоизга қадар кўтарилган.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси уларнинг иқтисодий юксалишида фаол инвестиция сиёсати марказий ўринни эгаллашини тасдиқлайди. Шу боис Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш мақсадлари унинг инвестиция сиёсатида тўлиқ ақс эттирилишини тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги «Асосий вазифамиз – Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузасида - “Узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган, мамлакатимизнинг салоҳияти, қудрати ва иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган навбатдаги муҳим устувор йўналиш – бу асосий етакчи соҳаларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб боришдан иборат”⁴-деб таъкидлади.

Мустақилликка эришилгандан бошлаб, мамлакатимиз бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос йўлидан бормоқда. Бу йўлда инвестиция сиёсатининг аҳамияти жуда катта. Чунки инвестициялар иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар, техник ва технологик янгиланишлар, корхоналарни қайта таъмирлаш ишларини амалга оширишни рағбатлантиради, мамлакат экспорт ва импорт салоҳиятини оширишга имкон яратади. Шу жиҳатдан Ўзбекистон ўз тузилмавий инвестиция сиёсатини олиб бормоқда (1.1 - чизма).

⁴ Асосий вазифамиз – Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Президент Ислам Каримовнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.

1.2-чизма. Ўзбекистон Республикасининг тузилмавий инвестиция сиёсати

Тузилмавий инвестиция сиёсати ҳудудлар, тармоқлар ва корхона инвестиция сиёсатларидан таркиб топиб, улар ўзаро боғлиқдир. Ҳудудлар инвестиция сиёсати - инвестицияни сарфлашда аҳоли, ҳудуд ва инвестор манфаатларини ҳисобга олган ҳолда самарали ишлатишга имкон берувчи ҳудудда олиб бориладиган чора-тадбирлар мажмуи.

Тармоқ инвестиция сиёсати эса бу мамлакат иқтисодиётининг ривожланишини таъминловчи тармоқлар, саноат маҳсулотларини экспорт қилиш, импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни ривожлантириш, илмий-техника тараққиётини инвестиция йўли билан қўллаб-қувватлаш ҳисобланади. Давлат тузилмавий инвестиция сиёсатида янги тармоқларни ташкил этиш ва ривожлантириш, аҳолининг истеъмол товарлари, иш жойларга бўлган талабини қисқа вақт ичида юқори даражада таъминлашга эришиш йўлида қуйидаги вазифаларга амал қилмоқда:

- эскирган ишлаб чиқаришларни секин-аста муомаладан чиқариб ташлаш;
- маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш;
- тўлов қобилиятига эга бўлган ва талабга мос ҳолда ишлаб чиқариш тузилмаларини яратиш;
- ишлаб чиқариш ресурсларидан ва илмий-техника салоҳиятидан имкон қадар юқори даражада фойдаланишни таъминлаш;
- мамлакатнинг экологик ва иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш ва уни кучайтириш;

-самарали, рақобатга асосланган ишлаб чиқаришлар, бозор инфратузилмаси, хизмат кўрсатиш соҳаси ва интеллектуал фаолиятлар ривожланишини уйғунлаштириш;

-иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантириш ва янги тармоқларни барпо этиш;

-аҳолининг иш билан бандлигини ва ҳамда иқтисодий фаоллигини ошириш;

-ҳудудлар ижтимоий инфратузилмасини тўлиқ шакллантириш.

Тузилмавий инвестиция сиёсатини олиб боришда муҳим стратегиялар ишлаб чиқарилган бўлиб, уларнинг моҳияти кичик иқтисодий субъектлар ривожланишини қўллаб-қувватлашдан иборат. Мазкур ишларни амалга оширишда хорижий инвестицияларни жалб этиш муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимизда сиёсий барқарорлик, инвестиция муҳитини жуда қулайлиги хорижий инвесторлар узок муддатли инвестиция лойиҳаларини тузишда асос бўлмоқда. Бундан ташқари, жалб этилган чет эл инвестициялар ва кредитлар учун кафолатлар тақдим этиш, солиқ ва божхона таърифлари бўйича имтиёзлар, заём ва фоиз ставкаларини субсидиялаш каби шарт-шароитлар яратилмоқда, ўнлаб қонуний ҳужжатлар амал қилмоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган инвестиция сиёсатининг асосий йўналишлари орасида қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб кўрсатиш мумкин:

-инвестиция жалб қилиш учун халқаро меъёрлар ва конвенцияларга мос келадиган, саноати ривожланган мамлакатлар инвесторлари томонидан тан олинадиган ҳуқуқий шарт-шароитларни яратишга интилиш;

-республикага жаҳон даражасидаги технологияларни етказиб берадиган ва иқтисодиётнинг замонавий тузилишини вужудга келтиришга ёрдам берадиган инвесторлар учун очик эшиклар сиёсатини изчиллики билан амалга ошириш;

-ишлаб чиқариш билан боғлиқ инвестицияларни киритишга кўмаклашиш;

-мамлакатнинг кредит қобилиятини қўллаб-қувватлаш;

-мамлакатнинг айрим минтақаларида ижтимоий ва экология муаммоларини ҳал қилишга қаратилган инвестицияларни киритишга ёрдам бериш.

Ушбу сиёсат макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодий ўсишнинг юксак суръатларини таъминлаш, тузилмавий ўзгаришларни изчил амалга ошириб бориш, шунингдек, иқтисодиётни ҳамда унинг таянч ва ижтимоий инфратузилмаларини босқичма-босқич модернизациялаштириб боришни таъминлашга қаратилган Ўзбекистон иқтисодий стратегияси халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорлик кўламининг янада жадал ўсиб боришига замин яратади.

Ўзбекистон Республикасига хорижий инвестиция ва кредитларни жалб қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 24 июлдаги 927-сонли Қарорига мувофиқ амалга оширилади (1.2-чизма).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 6 февралдаги 578-сонли Қарорига мувофиқ хорижий инвестицияларни ахборот билан таъминлаш ва кўмаклашиш «Ўзинфоинвест» агентлиги хорижий инвесторларга ахборот билан қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳар тарафлама кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган. Агентлик Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳузуридаги юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган мустақил муассасадир.

1.2-чизма. Республикага хорижий инвестиция ва кредитларни жалб қилиш «Ўзинфоинвест» агентлиги 3 та йўналиш бўйича хорижий инвестицияларни жалб этади:

1) тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар:

- давлат инвестиция дастури йиғма рўйхати лойиҳалари;

- ҳудудий инвестиция дастури лойиҳалари;


- давлат кафолати остида имтиёзли кредит маблағларини жалб этиш йиғма рўйхати;

- грант маблағлари.

2) корхоналарнинг акциялар пакетини истиқболли хорижий инвесторларга таклиф этиш;

3) кимошди савдоларига мулкый мажмуа сифатида қўйилган корхоналарни истиқболли хорижий инвесторларга таклиф этиш.

Шунинг билан бирга «Ўзинфоинвест» агентлиги маҳаллий тадбиркорлик субъектларига хорижий инвесторларни топиш, уларни Ўзбекистонга таклиф қилиб музокаралар ташкил этишга кўмаклашиш, инвесторларга республика инвестицион салоҳияти, шунингдек солиқ ва қонунчиликдаги бошқа имтиёзлар тўғрисида маълумот беради.



1.3-чизма. 2009-2014 йилларда амалга ошириш кўзда тутилган инвестицион лойиҳалар Дастури

2009-2014 йилларда амалга ошириш кўзда тутилган инвестицион лойиҳалар Дастурини тўлиқ амалга ошириш учун барча молиявий манбалар ҳисобидан жами 42,5 млрд. доллар миқдорида маблағ ажратилиши кўзда тутилган (1.3-чизма).

Ушбу дастур бўйича 2012 йилда халқаро молиявий институтлар ва хорижий мамлакатлар ҳукуматларининг кредит линиялари ва грантлари ҳисобидан 181,7 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

Бундай йирик лойиҳаларни амалга ошириш учун ва бунинг учун ички ресурсларни 2007 йилда ташкил этилган Тикланиш ва тараққиёт фонди маблағи эвазига молиялаштирилиши кўзда тутилмоқда. Бунинг асосий, яъни инфратузилма объектларини ривожлантириш учун ажратилиши белгиланаётган инвестицияларга урғу берилаётганлигидан асосий мақсад – инфратузилмани ривожлантириш орқали аҳоли яшаш шароитларини янада яхшилаш, турмуш даражасини ошириш ва халқ фаровонлигини таъминлашга эришишдан иборатдир. Бугунги кунда фақатгина мазур жамғарма маблағлари эмас, балки тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, халқаро молия институтлари ва корхоналарнинг маблағларини жалб қилиш йўли билан иқтисодиёт тармоқларини босқичма-босқич модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ишлари ҳам амалга оширилмоқда.

1.2. Аграр соҳага инвестициялар жалб қилишнинг ҳуқуқий асослари.

Бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг бош ислоҳотчи сифатидаги ролидан келиб чиқиб, халқ хўжалигининг ҳар бир тармоғи ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя этилади. Иқтисодиётни модернизациялаш босқичида инвестиция фаолияти, инвесторларнинг манфаатлари, қулай инвестиция муҳитини яратиш қонуний кучга таянади. Бу борада қуйидаги ҳуқуқий норматив актларни асосий қонун ҳужжатлари сифатида эътироф этиш мумкин:

-24.12.1998 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги №719-1 Қонуни;

-30.04.1998 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Чет эл

инвестициялари тўғрисида"ги №609-1 Қонуни;

-30.04.1998 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги №611-1 Қонуни;

-14.04.1999 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Лизинг тўғрисида"ги Қонуни;

-06.05.1993 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Суғурта тўғрисида"ги Қонуни.

Булардан "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги Қонун айниқса аҳамиятлидир. Мазкур Қонун 28 та моддадан иборат бўлиб, уларга Ўзбекистон Республикасининг 12.12.2003 йил 568 - II сон, ЎзР 10.10.2006 йил ЎРҚ - 59 - сон, Ўзбекистон Республикасининг 31.12.2008 йил ЎРҚ - 197 - сон Қонунларига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган. Ушбу Қонунга биноан (7 - модда) инвестиция фаолиятида қуйидаги субъектлар иштирок этади:

- инвесторлар;
- буюртмачилар (маблағ киритувчилар);
- кредиторлар;
- сотиб олувчилар;
- инвестиция фаолияти иштирокчилари вазифасини бажарувчилар.

Инвесторлар - бу юридик ёки жисмоний шахслар бўлиб, инвестиция фаолияти объектларига ўз маблағларини, жалб қилинган маблағларини ёки заёмларини, уларга доир ҳуқуқларни киритади ва мулкый бойликларни тасарруф этиш юзасидан молиявий қарорларни қабул қиладилар.

Қонуннинг 8 - моддасига кўра инвесторлар қуйидаги ҳуқуқларга эгадирлар:

-инвестор инвестициялаш мақсади, йўналиши, тури ва ҳажмини мустақил равишда белгилайди, буни амалга ошириш учун шартнома асосида, қоида тариқасида танлов (тендер) савдосини ўтказиш йўли билан юридик ва жисмоний шахсларни инвестиция фаолияти иштирокчилари сифатида жалб этади;

-инвестор инвестиция объектларига ва уларнинг натижаларига эгалик қилади, улардан фойдаланади, уларни тасарруф этади, шунингдек, реинвестиция

қилади;

-инвестиция объектларига ва уларнинг натижаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш, уларни тасарруф этиш ҳуқуқини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа юридик ва жисмоний шахсларга бериши мумкин;

-инвестор ўзига зарур бўлган мол - мулкни юридик ва жисмоний шахслардан ўзаро келишув асосида белгиланадиган нарх ва шартларда, ҳажми ва номенклатурасини чекланмаган тарзда олишга ҳақли;

-инвестор қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Амалиётда инвесторларни инвестиция мақсади ва йўналишини белгилашда соҳанинг сердаромадлилиги, яъни бевосита олинадиган фойда қизиқтиради. Саноат, алоқа, транспорт, қурилиш каби халқ хўжалиги тармоқларидаги инвестиция муҳитининг жозибадорлиги инвесторларни ўзига осонроқ жалб этса, аграр соҳада бу бироз қийинроқ кечади. Чунки қишлоқ хўжалигида мавсумийлик, ишлаб чиқариш даврининг узоклиги, табиий шарт - шароитлар каби омиллар хўжалик юритувчи субъектнинг якуний натижасига бевосита боғлиқдир. Президентимиз И. А. Каримов таъкидлаганидек, "Таъбир жоиз бўлса, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида иқтисодий қонунлар ҳаракати доимий равишда табиий қонунлар ҳаракатига

тўқнаш келади. Устига - устак, қишлоқ хўжалигида маблағларнинг айланиш муддати бошқа тармоқлардагига нисбатан узокдир" .

Аграр соҳа субъектларини инвестициялашда инвестор томонидан ўтказиладиган тендер, яъни танлов хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий кўрсаткичлари ёки бизнес режаси параметрларига таянади.

Инвестор мазкур Қонуннинг 9 - моддасига кўра қуйидаги мажбуриятларни бажариши керак:

-инвестиция лойиҳаларида санитария - гигиена, радиация, экология, архитектура - шаҳарсозликка оид ва бошқа талабларга риоя этилганлиги хусусида экспертиза хулосасини олиши;

-монополияга қарши қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этиши;

-солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаши;

-шартнома бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги туфайли инвестиция фаолияти иштирокчисига етказилган зарарни қоплаши;

-маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва давлат бошқаруви органларининг ўз ваколатлари доирасида қўйиладиган талабларини бажариши шарт.

Инвесторга давлат санитария - гигиена стандартларига, экологик ва бошқа талабларга жавоб бермайдиган, мамлакатдаги юридик ёки жисмоний шахсларнинг қонун билан ҳимояланадиган манфаатларига путур етказадиган объектларни инвестициялаш таъқиқланади.

Инқирозга қарши чоралар дастурида қуйидаги асосий вазифаларни бажариш кўзда тутилган:

биринчидан, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш;

иккинчидан, экспортни рағбатлантириш, бунда:

-айланма маблағларни тўлдириш учун корхоналарга Марказий Банк қайта молиялаш ставкасининг 70 % идан ортиқ бўлмаган ставкаларда 12 ойгача бўлган муддатга имтиёзли кредитлар бериш;

-тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган хорижий инвестиция иштирокида ташкил этилган корхоналарни бюджетга барча турдаги солиқ ва тўловлардан (қўшимча қиймат солиғидан ташқари) озод қилиш муддатини 2012 йилгача узайтириш;

-банклар кредитлари бўйича тўлов муддати ўтган ва жорий қарзлар миқдорини қайта кўриб чиқиш, бюджетга тўланадиган тўловларнинг пенясидан кечиш ва бошқа муҳим имтиёзлар ва преференциялар бериш;

учинчидан, қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатдошлигини ошириш;

тўртинчидан, электроэнергетика тизимини модернизация қилиш, энергия истеъмолини камайтириш ва энергия тежашнинг самарали тизимини жорий этиш

чораларини амалга ошириш;

бешинчидан, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб - қувватлаш⁵.

Бу вазифаларнинг ичида озиқ - овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва рағбатлантириш инқироз даврида, айниқса, аҳамиятлидир. Шу ўринда 2012 йилнинг 1 январигача гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослашган микрофирма ва кичик корхоналар учун бўшаган маблағларни ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш ва модернизация қилишга мақсадли равишда йўналтириш шarti билан ягона солиқ тўлови ставкаси 50 фоизга қисқартирилганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Инвестиция фаолиятининг иштирокчиси (юқоридаги Қонуннинг 10 - моддасига кўра) куйидагиларга ҳақли:

-танлов (тендер) савдосининг иштирокчиси бўлиш;

-инвесторлар билан уларнинг буюртмаларини бажариш учун шартномалар тузиш;

-агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, инвестиция фаолияти объектининг ҳақиқий қийматини пасайтириш натижасида эришилган тежамни мустақил равишда тасарруф этиш.

Шунингдек, ушбу Қонуннинг 11 - моддасига кўра, инвестиция фаолиятининг иштирокчиси куйидаги мажбуриятларни бажариши керак:

-қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар, қоидалар ва стандартларга риоя этиши;

-шартномаларни ўз вақтида лозим даражада бажариши;

-шартномани бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги туфайли инвесторга етказилган зарарни қоплаши;

-маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва давлат бошқаруви органларининг ўз ваколати доирасида қўйилган талабларини бажариши шарт.

Мазкур Қонуннинг 18 - моддасига кўра, ижтимоий - иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларида амалга ошириладиган инвестиция

⁵ "Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари. - Т.: Ўзбекистон, 2009. - Б. 32.

лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурига киритилади.

Давлат инвестициялар ҳимоя қилинишини ва инвестиция фаолияти субъектларининг ҳуқуқларини кафолатлайди. Инвестиция фаолияти субъектининг инвестиция фаолияти натижасидан олинган фойдаси (даромади) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангач, унинг ҳошишига кўра реинвестиция қилиниши ёки бошқа ҳар қандай усулда ишлатилиши мумкин (юқоридаги Қонуннинг 23 - моддаси).

Инвестиция фаолияти субъектларининг манфаатларига хизмат қиладиган очик ахборотдан эркин фойдалана оладилар.

Инвестиция фаолиятини чеклаб қўйиш, тўхтатиб туриш ёки тугатиш инвесторнинг, давлатнинг ваколатли органи ёхуд суднинг қарорига кўра амалга оширилиши мумкин (26 - модда).

"Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги Қонуннинг 4 - моддасига мувофиқ, чет эллик инвесторларга қўшимча кафолатлар ва уларни ҳимоя қилиш чоралари ҳар бир муайян ҳолда, яъни:

-барқарор иқтисодий ўсишни, мамлакат иқтисодиётида илғор тузилмавий ўзгаришлар рўй беришини таъминловчи устувор тармоқларга инвестициялар киритилаётганда;

-республиканинг экспорт имконияти мустаҳкамланиши ва кенгайишини, республика жаҳон хўжалик алоқаларига интеграциялашувини таъминловчи устувор лойиҳаларга инвестициялар киритилаётганда;

-амалга оширилиши хом - ашё ва материалларни қайта ишлашга, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишга, аҳолини иш билан таъминлашга қаратилган кичик тадбиркорлик соҳасидаги лойиҳаларга инвестициялар киритилаётганда берилиши мумкин.

Бу кафолатлар инвестор ва Ўзбекистон республикаси ҳукумати томонидан тузиладиган инвестиция шартномаларини тузиш тартибини белгилайди.

Қўшимча кафолатлар ва ҳимоя чоралари (имтиёзлар ва преференциялар)

бериладиган чет эллик инвесторлар томонидан мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида инвестор билан инвестиция шартномаси тузилади. Бу шартнома Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги орқали Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ҳамда чет эллик инвесторлар ўртасида тузилиб, инвестиция фаолияти субъектларининг инвестиция фаолияти объектларига нисбатан ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини белгилайди.

Инвестиция шартномасида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

-инвестициялар объекти ва ҳажми;

-инвестиция шартномасининг амал қилиш муддати ва шартлари;

-инвесторнинг, шу жумладан, инвестициялаш ҳажми, ишлаб чиқаришнинг муайян ҳажмини таъминлаш, маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва сифатининг кафолатланган даражаси, ўзи ишлаб чиқарган товарлар экспорти ва кўрсатадиган хизматлари ҳажми, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати кафолати остида жалб этиладиган кредитларнинг қайтарилишини таъминлаш, атроф - муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатларига, меҳнат қонунчилигига ва техника хавфсизлигига риоя қилиш, ишлаб чиқариш фаолиятининг бошқа соҳалари бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

-лойиҳа - смета ҳужжатларини тайёрлаш, пудрат ишларига шартномалар тузиш муддатлари, молиялаштириш манбалари, лойиҳани амалга ошириш жадваллари, инвестиция лойиҳасининг амалга оширилишини техник назорат қилиш тартиби тўғрисидаги ахборотлар;

-чет эллик инвестор томонидан унинг мажбуриятлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тақдим этиш тартиби ва муддатлари;

-томонларнинг инвестиция шартномаси шартларига риоя қилмаганлиги учун жавобгарлиги;

-ўзгартиришлар киритиш тартиби;

-инвестиция шартномасининг амал қилишини тўхтатиш тартиби;

-инвестиция шартномасидан келиб чиқадиган низоларни ҳал этиш тартиби

ва кўриб чиқиш жойи.

Инвестиция шартномасида инвестиция лойиҳаси хусусиятига қараб бошқа шартлар, шу жумладан:

-томонларнинг минтақанинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича ўзаро мажбуриятлари;

-инвесторнинг шартномани бажариш натижасида ўзига тегишли маҳсулотни ва олинган фойдани (даромадларни) Ўзбекистон Республикасидан четга чиқариш ҳуқуқи;

-чет эллик инвесторнинг Ўзбекистон Республикаси жисмоний шахслари бўлган ходимларни ёллаш ва ўқитиш бўйича мажбуриятлари, технологиялардан фойдаланиш шартлари, шунингдек, инвесторнинг инвестиция лойиҳасини амалга ошириш тугаллангандан кейин ташкил этилган ташкилотнинг ходимларини ўқитиш бўйича мажбуриятлари ҳам бўлиши мумкин.

Чет эллик инвестор инвестиция шартномасини тайёрлаш учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига қуйидагиларни тақдим этади:

-инвестиция шартномасининг лойиҳаси;

-қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ваколатли органларда экспертизадан ўтказилган техник - иқтисодий асослаш (техник - иқтисодий ҳисоблаш) асосида бажарилган асосий иқтисодий кўрсаткичлар;

-инвестиция шартномаси лойиҳасининг ҳуқуқий экспертизаси юзасидан Адлия вазирлигининг хулосаси;

-чет эллик инвесторларга ва (ёки) ташкил этиладиган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхонага қонун ҳужжатларида белгиланганларига қўшимча равишда солиқ солиш бўйича имтиёзлар ва преференциялар бериш юзасидан Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси хулосалари.

Чет эллик инвестор қишлоқ хўжалик корхонасига инвестиция киритиш учун дастлаб инвестиция шартномасининг лойиҳасини тайёрлаб киритади. Мазкур лойиҳа 14 кун муддат ичида Иқтисодиёт вазирлиги томонидан иқтисодий

баҳолаш юзасидан, Молия вазирлиги томонидан солиқлар тўлаш бўйича имтиёзлар ва преференциялар беришнинг мақсадга мувофиқлиги юзасидан, Давлат Солиқ Қўмитаси томонидан солиқ имтиёзларини қўлланиш тартиботи юзасидан, Адлия вазирлиги томонидан инвестиция шартномаси лойиҳасининг ҳуқуқий экспертизаси юзасидан кўриб чиқилади. Сўнг чет эллик инвестор инвестиция шартномаси лойиҳасини ваколатли органлар хулосалари ва бошқа керакли материаллар билан биргаликда киритади ҳамда 14 иш куни давомида Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги лойиҳани кўриб чиқиб, зарурат бўлганда чет эллик инвестор билан музокаралар ўтказди ва имзолайди. Имзоланган инвестиция шартномасини Вазирлар Маҳкамаси кўриб чиқади ва уни тасдиқлаш тўғрисида белгиланган тартибда қарор қабул қилади. Инвестиция шартномаси Ҳукумат қарори қабул қилинган кундан бошлаб кучга киради. Мазкур инвестиция шартномасида белгиланган мажбуриятларнинг бажарилиши юзасидан Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги назорат ўрнатади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарига чет эл инвестицияларини жалб этишда "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги Қонун ҳам асосий ҳуқуқий база таркибига киради. Ушбу Қонун 22 та моддадан иборат бўлиб, унинг асосий вазифаларига чет эл инвестициялари кириб келишини рағбатлантириш йўли билан Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантириш ва унинг жаҳон тизимига қўшилишига кўмаклашиш ва чет элнинг молиявий, моддий,

интеллектуал ва бошқа ресурсларини, замонавий хорижий технологияларни ва бошқарув тажрибаси жалб этиш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш (1 - модда) киради.

Мазкур Қонуннинг 3 - моддасида чет эл инвестицияларига шундай таъриф берилади: Чет эллик инвесторлар асосон даромад (фойда) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа турдаги фаолият объектларига қўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ва уларга доир ҳуқуқлар, шу жумладан, интеллектуал мулкка доир ҳуқуқлар, шунингдек, чет эл инвестицияларидан олинган ҳар қандай даромад Ўзбекистон

Республикаси ҳудудида чет эл инвестициялари деб эътироф этилади.

Узбекистон Республикаси ҳудудида чет эллик инвесторлар чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарни ташкил этишлари ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган барча имтиёзлар, ҳуқуқлар ва кафолатлардан фойдаланишлари мумкин.

Инвестиция фаолиятида инвестиция хатарини баҳолаш асосий унсур ҳисобланади. Одатда инвестиция хатари суғурта тизими орқали қопланиши назарда тутилади. Мазкур Қонуннинг 16-моддасида чет эл инвестицияларини суғурта қилишнинг ҳуқуқий асослари келтирилган. Унга кўра, инвестициялар ва чет эллик инвесторларнинг рискларини суғурта қилиш ихтиёрий равишда амалга оширилади. Чет эллик инвесторлар мамлакатнинг ўз инвесторлари билан тенг равишда Узбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган ҳар қандай суғурта ҳимояси ҳуқуқидан фойдаланадилар. Чет эл инвестицияларини сиёсий ва бошқа рисклардан суғурта қилиш халқаро ташкилотлар, хорижий давлатларнинг экспорт - кредит агентликлари, бошқа суғурта компаниялари томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалигида суғурталашда "Ўзагросуғурта" давлат ҳиссадорлик суғурта компанияси етакчи мавқега эга.

"Ўзагросуғурта" томонидан амалга ошириладиган суғуртанинг асосий турлари қуйидагилардан иборат:

1. Қишлоқ хўжалиги корхоналари ва қишлоқ аҳолисини мажбурий суғурта қилиш, яъни:

-тижорат банклари томонидан ажратиладиган кредитлар қайтарилиши учун қишлоқ хўжалиги корхоналарининг жавобгарлигини суғурта қилиш;

-махсулотларни етиштириш бўйича аванс тариқасида бериладиган ва фьючерс контрактлари бўйича маблағлар қайтарилишини суғурта қилиш;

-қишлоқ фуқароларига тегишли мол - мулкни суғурта қилиш;

-гаровга қарзга қўйилган мол - мулкни суғурта қилиш;

-транспорт эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш.

2. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини ихтиёрий суғурта қилиш, яъни:

-экинлар ҳосилини суғурта қилиш;

-экинларни қайта экишни ва ола чиққан экинларни бутлашни суғурта қилиш;

-чорва молларини суғурта қилиш;

-асосий воситаларни суғурта қилиш;

-табiiй пичанзорларни, яйловларни ва тут баргини суғурта қилиш;

-пиллани суғурта қилиш;

-боғлар ва узумзорлар ҳосилини дўл уришидан суғурта қилиш;

-корхоналар, деҳқон, фермер ва ижара хўжаликларининг мол - мулкени суғурта қилиш;

-қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан жўнатиладиган юкларни суғурта қилиш.

Юқоридаги суғурта турларидан қишлоқ хўжалигини молиялаштиришда қўлланиладиганларининг ҳуқуқий асосларига қисқача тўхталиб ўтамиз:

1. Мажбурий суғурта турларида:

1. Қишлоқ хўжалик корхоналари томонидан банк кредитларининг қайтарилмаслик рискени суғурталашнинг муҳим шарти шуки, кредит қишлоқ хўжалик корхоналари мулкларини гаровга қўйган ва "Ўзагросуғурта" компанияси қафолатини олгандан кейингина тижорат банклари томонидан берилади. Кредит банкка шартномада белгиланган муддатларда қайтарилиши керак. Кредитнинг ҳаммаси ёки бир қисми қайтарилмаган тақдирда банк ва корхона "Узагросуғурта" компанияси бўлимига суғурта ҳодисаси юз бергани ҳақида хабар қиладилар. Банк кредитни ундириш мақсадида гаровга қўйилган мол - мулкка мурожаат қилади. Бу асосда суғурта ташкилоти банкка маблағ ўтказди. Суғурта қопламаси банк ихтиёрига ўтказилгандан кейин тўланган қоплама доирасида қишлоқ хўжалик корхонасидан қарзини ундириш билан суғурта компанияси шуғулланади ва бу вазифани фуқаролик қонунчилиги асосида амалга оширади.

2. "Уздавпахтасаноатсотиш" уюшмаси ва "Уздонмахсулот" корпорацияси бўлимлари контрактация шартномалари асосида қишлоқ хўжалик корхоналарига йил охирида оладиган ҳосил эвазига аванс берадилар. Аванс олиш учун,

биринчидан, харидоргир мол - мулк шартнома асосида гаровга қўйилади, иккинчидан, аванс тариқасида бериладиган маблағларни тўлолмаслик хавфи кўзда тутилиб суғурта ташкилоти билан шартнома тузилади. Шартнома асосида ҳисоблаб чиқилган суғурта тўловлари суммаси "Узагросуғурта" компанияси счётига ўтказилгач, уларга суғурталангани ҳақида полис тақдим этилади ва шундан кейин аванс берилади.

3. Гаровга қўйилган мулкни мажбурий тартибда суғурталаш шартнома асосида расмийлаштирилади. Гаровга юридик ва жисмоний шахслар ихтиёрида бўлган ва албатта суғурта қилинган мол - мулкни қўйилиши шарт. Агар бу мулк гаровга қўювчи томонидан суғурта қилдирилмаган бўлса, у ҳолда бу иш гаровга олувчи томонидан бажарилади. Гаров шартномаси нотариал идоралари томонидан тасдиқланади. Бунинг учун нотариус полис талаб қилади. Полис шартнома тузилиб, суғурта тўловлари тўлангандан кейин берилди. Суғурта тўлови Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда аграр соҳага инвестициялар олиб киришнинг тўлиқ ҳуқуқий асослари мавжуд.

Ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштириш қуйидаги йўналишларда олиб борилиши мумкин:

-инвестиция фаолиятини тартибга солишда давлатнинг ролини янада ошириш;

-чет эл инвесторларига қулай инвестиция муҳитини яратиш;

-қишлоқ хўжалиги тизимидаги суғурталаш амалиётини изчиллаштириш;

-инқироз давридаги ҳолат учун махсус молия - солиқ муносабатларида энгилликлар яратиш ва бошқалар.

2-Боб. ИНВЕСТИЦИЯЛАРИНИ ЖАЛБ ЭТИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ

2.1. Иқтисодиётни ривожлантиришга инвестицияларни жалб этишни фаоллаштириш ва хорижий мамлакатлар тажрибаси

Маълумки, ҳар қандай мамлакат иқтисодиёти тараққиётида инвестициялар муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли иқтисодиётнинг реал секторига инвестицияларни фаол жалб этишни қўллаб-қувватлаш ҳар бир давлатнинг иқтисодий стратегиясида бош вазифалардан бири ҳисобланади. Фаол инвестиция сиёсати натижасида иқтисодиётни модернизациялаш, янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш, мавжуд корхоналарни техник-технологик жиҳатдан янгилаш, илғор технологияларни татбиқ этиш, янги иш ўринларини яратиш ва шу асосда мамлакат иқтисодиётининг барқарор ва бир маромда ривожланишини таъминлаш имконияти яратилиши ҳам ҳеч кимга сир эмас. Тараққий этган хорижий давлатлар тажрибасига кўра, хорижий инвестиция жалб қилиниши мазкур мамлакатнинг юксак даражада тараққий этишида ҳал қилувчи омиллардан бири бўлган.

Таъкидлаш лозимки, ҳар қандай инвесторнинг бош мақсади ўз сармоясини самарали жойлаштириш ва юқори даражада фойда олиш бўлганлиги сабабли, улар ўз инвестицияларини юқори даромад олиниши мумкин бўлган соҳаларга

киритишга ҳаракат қиладилар. Натижада қолган соҳалар эътибордан четда қолиши муқаррардир. Бу ҳолатни ўз вақтида аниқлаш ва тегишли чоралар кўрган ҳолатда тартибга солиш иқтисодиётнинг бир текис ривожланишини таъминлайди ҳамда мавжуд ички ресурслар четга чиқиб кетишининг олдини олади.

Республикамиз ҳукумати томонидан олиб борилаётган оқилona инвестиция сиёсати иқтисодиётнинг барча соҳаларига мутаносиб равишда инвестицияларни жалб этишга замин яратмоқда. Шунингдек, хорижий инвестицияларни жалб этишнинг муҳим ташкилий шаклларида бири бўлган эркин иқтисодий ҳудудлар ташкил этиш орқали хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш тажрибаси ҳам ўз самарасини бермоқда.

"2013 йилда Инвестиция дастурини амалга ошириш доирасида мамлакатимизда 13 миллиард доллар қийматидаги капитал қўйилмалар ўзлаштирилди, бу 2012 йилга нисбатан 11,3 фоизга кўпдир. Ўзлаштирилган капитал қўйилмалар умумий ҳажмининг деярли ярмини, яъни 47 фоизини хусусий инвестициялар - корхоналар ва аҳолининг шахсий маблағлари ташкил этгани алоҳида эътиборга лойиқдир"[24].

Бугунги кунда мамлакатимизда инвесторларга кенг кўламли имтиёзлар яратилиши ҳамда инфраструктураларнинг барпо этилиши билан бир вақтда жаҳон иқтисодиётидаги муҳим ўзгаришларни, инқироздан кейинги инвестицияларнинг оқимидаги ҳолатни ҳамда инвестициялар ҳаракатига хос замонавий тенденцияларни ҳам таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир. "2012 йилда ўзлаштирилган умумий капитал қўйилмалар ҳажмининг 3 миллиард доллардан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил этди. Шунинг 72 фоиздан зиёди ёки 2 миллиард 200 миллион доллари тўғридан- тўғри хорижий инвестициялардир"[24].

Дунё мамлакатларида хорижий инвесторлар учун яратилган инвестиция сиёсати, инвестиция дастурлари, имтиёз ва қулайликлар турличадир. Бугунги кунда жаҳон иқтисодиётида ўсиш ва камайиш тенденцияси ҳам турлича бўлиб, бунда бевосита Европа давлатларидаги иқтисодий инқироз оқибатлари иқтисодиётга катта салбий таъсир этмоқда. Буни Европанинг айрим давлатларида


бевосита тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар салмоғининг камайиш тенденциясидан кўриш мумкин.

2012 йилда дунё давлатлари иқтисодиётига 1,35 трлн. доллар тўғридан- тўғри хорижий инвестициялар жалб этилган бўлиб, бу кўрсаткич 2013 йилда 1,65 трлн. доллар ташкил этди ва ўтган йилга нисбатан 18 фоизга камайган. Ривожланган давлатларда 2012 йилда 735 млрд. доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилган бўлиб, бу кўрсаткич 2011 йилда 703 млрд. долларни ташкил этган [25].

Сўнгги 15 йил дунё мамлакатлари томонидан жалб этилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимининг ўзгариш тенденциясини расмдаги маълумотлар асосида кўришимиз мумкин. 1997-2012 йилларда (ИХРТ- иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти, 0-20 лик давлатлари ва Европа Иттифоқи давлатлари) томонидан жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ўзгариш тенденциясида катта фарқ йўқ. Аммо 2002-2004, 2008-2009 ва 2012 йилларда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқими камайиш тенденциясига эга бўлган [26]. Бунинг асосий сабаблари, бир томондан, 2008-2009 йиллардаги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг иқтисодиёт барча тармоқларига кўрсатган салбий таъсири бўлса, иккинчи томондан, сўнгги йиллардаги Европа давлатларида бошланган инқироз иккинчи тўлқини умумий кўрсаткичларга таъсири деб эътироф этишимиз мумкин.

2.1-расм.

1997-2012 йилларда мамлакатлар томонидан жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимининг ўзгариш тенденцияси



Манба: OECD International direct Investment statistics database. September 2012 y.

Шунингдек, сўнгги 7-8 йилларда иқтисодиёти ривожланган ва ривожланаётган давлатларда асосий капиталга киритилган инвестициялар

салмоғи ўсиш тенденциясига эга. Бу борада АҚШ ва Хитой давлатларининг иқтисодиётига киритилган инвестициялар миқдори катта салмоқни ташкил этганлигини кўриш мумкин (2.1-жадвал).

2.1-жадвал

Дунё мамлакатларининг асосий капиталга киритилган инвестициялар
миқдори (млрд. долл.)

Давлатлар	Ииллар							
	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012
Австралия	199.9	212.5	236.3	238.7	248.7	248.6	274.1	
Канада	241.1	268.7	286.7	297.1	271.8	294.2	314.2	
Франция	359.9	398.8	441.9	466.9	424.5	434.1	462.0	465.6
Германия	443.5	498.4	539.2	566.2	502.2	536.9	584.9	581.1
Италия	347.0	382.4	408.2	419.1	376.0	376.9	384.1	360.4
Япония	868.9	920.2	963.1	962.5	842.2	857.8	890.3	
Корея	316.5	336.4	361.9	382.8	381.6	399.7	407.4	
Мексика	262.2	302.0	324.7	360.0	342.7	339.8	382.5	
Голландия	108.3	122.4	133.3	144.7	128.6	120.0	126.6	121.2
Польша	95.9	112.8	137.7	152.9	151.8	151.9	164.5	163.7
Испания	349.6	409.1	443.7	433.3	346.8	323.9	312.0	283.7
Туркия	164.3	199.3	209.0	212.5	175.2	217.8	274.9	265.2
Буюк Британия	329.6	361.9	387.4	371.9	316.4	327.6	314.1	320.6
АҚШ	2 452.5	2 622.7	2 647.1	2 534.4	2 111.9	2 081.8	2 202.4	
Хитой	2 152.9	2 536.9	2 866.8	3 350.4	4 159.3	4 632.1	5 156.9	
Россия	296.4	387.0	490.4	623.6	578.1	616.1	665.7	710.8

Манба: Annual national accounts: Gross domestic product, OECD National Accounts Statistics (database)<http://dx.doi.org/10.1787/inv-usd-table-2013-6-en>.

Жадвал маълумотларига кўра, АҚШ иқтисодиётида 2011 йилда асосий капиталга киритилган инвестициялар 2202,4 млрд. долларни ташкил этиб, аввалги йилга нисбатан 120,6 млрд. долларга ортган. Хитойда 2011 йилда асосий

капиталга киритилган инвестициялар 5156,9 млрд. долларни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2010 йилга нисбатан 526,8 млрд. долларга ортиб, 4632,1 млрд. долларга етган.

Европа Иттифоқи давлатларида асосий капиталга йўналтирилган инвестицияларда катта салмоқ Россия (710,8 млрд. долл.), Франция (465.6 млрд. долл.) ва Германия (581,1 млрд. долл.) давлатларига тўғри келмоқда [27]. Осиё давлатларида эса катта кўрсаткичлар Хитой, Япония ва Корея давлатларига тўғри келаётганини кўришимиз мумкин. Бу борада Африка давлатларида кўрсаткичлар бошқа қитъаларга нисбатан кам салмоққа эга бўлиб келмоқда.

Хорижий инвестицияларнинг ҳудудлар иқтисодиётига киритилиши билан боғлиқ хориж тажрибаси барча мамлакатларда турли воситалар орқали амалга оширилади. Лекин айрим давлатлар иқтисодиётига инвестицияларни жалб этиш ва инвестиция сиёсатини олиб бориш борасида ўхшаш жиҳатлар ҳам мавжуд. Жумладан, Европа Иттифоқи мамлакатларида ҳудудий инвестиция сиёсатини юритишда молия институтлари ва молия ташкилотлари томонидан ажратилган сармоялар ва ишлаб чиқилган асосий йўналишлар аъзо мамлакатларнинг юқори ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган дастур ва стратегиялар ҳудудлар учун асос бўлиб хизмат қилади ва амалиётга татбиқ этилади.

Масалан, Францияда "Давлат-ҳудуд" йўналишидаги режа асосида инвестицияларга субсидия берилади. Бу борада янгидан ташкил топаётган саноат корхоналарига, баъзи ҳолатларда хизмат кўрсатадиган фирма ва ташкилотларга бериладиган субсидиялар ҳам назарда тутилиб, ҳар бир ҳудудда яратилган иш ўрнига 50-70 минг франк миқдорида маблағ тўланади. Бундан ташқари, фирма ва ташкилотларга ажратилган субсидия миқдори ялпи инвестицияга нисбатан чегараланган бўлиб, бу нисбий кўрсаткич 17 фоиздан 34 фоизгача белгиланган [28].

АҚШ фирмалари томонидан тўғридан-тўғри инвестицияларни амалга ошириш тўғрисидаги маълумотлардан иқтисодиётнинг асосий соҳаларида маблағларни кўпайтириш ва уларни сарфлаш орқали инвестицияларнинг тармоқлар орасида таъминланишини кўриш мумкин. АҚШда тўғридан-тўғри

инвестициялар улуши кейинги йилларда сезиларли ўзгарган ҳолда катта ўсишга эришилди ва кўпгина тармоқлар ривожланишининг асосий воситасига айланди. Бундай ҳолатни бевосита Япония, Тайван, Филлипин ва Сингапур каби иқтисодиёти жадал ривожланиб бораётган давлатларга жалб этилган инвестицияларда ҳам кузатиш мумкин.

Қайд этиш жоизки, дунё давлатларида хорижий инвестицияларни жалб этишда қулай инвестиция муҳит яратиш, тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш, инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қонун йўли билан кенг кўламдаги имтиёзлар, афзалликлар ва кафолатлар яратиш устувор вазифалар сифатида белгилаб олинган.

Иқтисодиёти ривожланган ва ривожланиб бораётган дунёнинг кўплаб мамлакатларида хорижий инвестицияларни жалб этиш орқали уларнинг иқтисодий тараққиётини кузатиш мумкин. Агар маълумотларга эътибор берсак, қуйидаги жадал маълумотларидан кўриш мумкинки, АҚШ, Хитой ва Буюк Британия давлатлари иқтисодиётига жалб этилган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг жами инвестициялардаги улуши каттадир (2.2-жадвал).

АҚШ иқтисодий моделида давлат молияси бошқарув тизимининг хўжалик жараёнларига асосий таъсир этувчи дастаги ҳисобланади. Бюджет ҳажми билан аниқланадиган давлат молияси фаолияти ҳажмининг ўсиб бориши натижасида бугунги кунга келиб хусусий бизнес жадал тарзда ривожланган. Шунинг учун хусусий бизнес, кириб келувчи инвестициялар миқдори асосий қисмини эгаллайди.

2.2-жадвал

Дунё мамлакатлари иқтисодиётига йўналтирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори (млн. долл.)

Давлатлар	Йиллар					
	1990	1995	2000	2009	2010	2011
Австралия	80 333	111 310	118 858	428 611	515 981	554 987
Австрия	11 098	21 363	31 165	172 598	167 958	164 704
Бельгия	58 388	112 960	181 650	946 549	899 252	998 836
Канада	112 850	123 182	212 723	523 247	561 111	595 002

Филландия	5 132	8 465	24 272	84 668	85 588	82 864
Франция	84 931	191 433	259 773	985 236	948 442	953 182
Германия	74 067	104 367	462 564	944 747	910 381	902 187
Венгрия	569	11 304	22 856	99 091	90 783	84 447
Италия	60 009	65 347	121 169	364 456	331 960	332 647
Исландия	147	129	497	8 622	11 784	12 541
Исроил	365	5 741	22 367	55 797	60 237	66 554
Япония	9 850	33 508	50 322	200 151	214 890	225 785
Мексика	22 424	41 130	97 170	277 898	330 161	302 309
Голландия	68 699	115 756	243 730	660 507	593 101	582 216
Янги Зеландия	8 065	25 728	28 070	64 801	67 706	74 299
Польша	109	7 843	34 233	185 182	201 003	197 538
Испания	65 916	110 291	156 347	632 296	640 799	634 497
Швеция	12 636	31 089	93 998	332 108	349 777	338 484
Швецария	34 245	57 064	86 810	492 346	559 333	583 455
Буюк Британия	233 305	226 626	463 134	1 104 273	1 162 649	1 198 850
АҚШ	505 346	680 066	1 421 017	2 398 208	2 597 707	2 908 791
Россия	31 204	345	32 204	378 837	490 560	457 474

Манба: Annual national accounts: Inward direct investment stocks, OECD National Accounts Statistics 2012 y

Аҳоли жамғармаларини инвестициялаш манбаи сифатида жалб қилиш барча давлатларнинг устувор иқтисодий сиёсатини шакллантиришда марказий ўринлардан бирини эгаллайди. Россия Федерациясида аҳоли даромадлари ошиб бориши, депозитларни суғурталаш миқдорлари оширилиши ва фонд бозоридаги ижобий ўзгаришлар содир бўлиши аҳолининг маҳаллий банкларга рублдаги қўйилмаларининг сезиларли ўсишига олиб келди. Лекин аҳоли депозитларининг ўсиши, асосан, Москва шаҳри ва унга чегарадош вилоятларда кузатилганини қайд этиш лозим. Аҳоли жамғармаларини жалб қилиш борасида хориж компаниялари иштирокидаги банкларнинг ҳам улуши ошиб бормоқда.

2012 йил Давлат инвестиция дастури доирасида жалб қилинган хорижий
инвестициялар географияси

№	Инвестор давлатлар	Жами жалб қилинган халқаро инвестициялардаги улуш (фонз ҳисобида)
1.	Хитой	35,66
2.	Россия	26,79
3.	Жанубий Корея	19,50
4.	Нидерландия	3,26
5.	Буюк Британия	2,77
6.	Малайзия	2,50
7.	Германия	1,94
8.	ЖАР	1,08
9.	Франция	0,74
10.	Вьетнам	0,73
11.	Туркия	0,71
12.	Сингапур	0,66
13.	Швеция	0,65
14.	Япония	0,57
15.	Испания	0,51
16.	Кипр	0,29
17.	Эрон	0,23
18.	Болгария	0,21
19.	БАА	0,11
20.	бошқалар	1,09

Манба: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари 2012 й.

Мамлакатимиз иқтисодиётида Давлат инвестиция дастури доирасида жалб қилинаётган хорижий инвестицияларнинг асосий қисми Хитой, Россия, Жанубий Корея ҳамда Нидерландия давлатларига тўғри келмоқда (2.3-жадвал).

Хитой давлати жами жалб қилинган халқаро сармояларнинг 35,66 фоизини ташкил қилаётгани ва бу борада мамлакатимизда ушбу давлат билан юқори даражада ҳамкорлик ишлари олиб борилаётганлигини, кейинги ўринларда Россия-26,79 фоиз, Жанубий Корея-19,50 фоизи тўғри келаётганилигини кўриш мумкин. 2012 йилги Давлат инвестиция дастури доирасида республикамиз иқтисодиётига жалб қилинган хорижий инвестицияларнинг катта қисмини асосан 3 та давлат ташкил этган.

Фикримизча, ушбу ижобий ҳолатлар билан биргаликда республикамизда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштириш

борасида ҳал қилиниши лозим бўлган вазифалар ҳам мавжуд. Мамлакатимизда хорижий инвестицияларни жалб этишда қўшма корхоналарнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашнинг услубий асослари такомиллаш- маганлиги, республикамиз тижорат банкларида хорижий инвестициялар салмоғи инвестицияларнинг жами инвестициялардаги салмоғига нисбатан кичиклиги, аҳоли маблағларини инвестициялашнинг муҳим манбаи сифатида жалб этиш ишларини фаоллаштиришда маълум муаммоларнинг мавжудлиги ҳамда хорижий инвестицияларни мамлакат ҳудудлари ва тармоқ диверсификациясидаги турлича эканлиги ва кескин фарқлар мавжудлиги каби муаммоларни кўрсатиш мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мамлакатимизда қулай инвестиция муҳитини янада яхшилаш, ривожланган хорижий давлатлар тажрибаларидан фойдаланиш ва мамлакатимиз ҳудудларининг инвестиция жозибадорлигини янада ошириш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- мамлакатимиз вилоятларида инвестицион жозибадорликни оширишга қаратилган ҳудудий ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш лозим. Бу вилоятларда инвестицион фаолликнинг сезиларли даражада ўсишини таъминлайди, замонавий ишлаб чиқаришни ташкил этишга маблағлар жалб этиш имкониятларини кенгайтиради, бугунги кунда долзарб ҳисобланган янги иш ўринлари сонининг ортишига олиб келади. Шунингдек, ижтимоий соҳанинг мустаҳкамланишига ижобий таъсир кўрсатади, аҳоли пул даромадлари ва уларнинг тўлов қобилиятига эга талаблари ортишини таъминлайди;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантиришга қаратилган истиқболли инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш бўйича Хитой, АҚШ, Буюк Британия, Франция, Япония каби мамлакатлар тажрибаларини кўпроқ қўллаш;

- ҳудудларда хорижий инвестицияларни жалб этиш учун бозор инфратузилмасини янада ривожлантириш ҳамда ҳудудларнинг ривожланиш хусусиятидан келиб чиқиб, истиқболли инвестиция лойиҳалари танловларини эълон қилиш ва унга хорижий инвесторларни кўпроқ жалб этиш имкониятини топиш;

-мамлакатимиз ҳудудларида инвестицияларни молиялаштиришнинг бозор механизмларини кенг жорий этиш ва ҳудуднинг инвестиция жозибодорлигини оширишнинг аниқ стратегиясини аниқлаб олиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Хулоса қилиб айтганда, инвестицияларни жалб қилишда жаҳон тажрибаларини ўрганиш, улардан самарали фойдаланиш, иқтисодиётнинг қайси тармоқ ва соҳаларига инвестиция киритиш лозимлигини тўғри аниқлашга ёрдам беради. Жаҳон тажрибаси инвестицияларнинг ёқилғи-энергетика соҳасига кўпроқ жалб этилишини кўрсатиб турибди. Бу борада Ўзбекистонга киритилаётган инвестицияларнинг асосий салмоғи ҳам айнан ушбу соҳага йўналтирилаётганлигини кўришимиз мумкин. Бошқа соҳаларга эса инвестицияларнинг жалб этилиши алоҳида эътибор талаб қилиниши, маълум имтиёзлар берилиши ҳамда бу соҳалар бўйича эркин иқтисодий зоналарни янада кўпроқ ташкил этиш ёки концессияга бериш орқали инвестицияларни жалб этиш ва соҳаларни ривожлантиришга эътибор қаратишни талаб қилади.

2.2. Аграр тармоқда инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш таҳлили.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қафолати остида 2011-2012 йилги Инвестиция дастурига киритилган Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан амалга оширилаётган Хорижий Инвестиция лойиҳаларининг 2011 йилнинг ҳамда 2012 йил биринчи чорагида жалб қилган 10 та лойиҳа бўйича таҳлилинини кўриб чиқамиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги Инвестиция дастури тўғрисида”ги ПҚ-1455-сонли қарори асосида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан 9 та лойиҳа бўйича ишлар амалга оширилиши кўзда тутилган. Ҳукумат қафолати билан 2011 йил Инвестиция дастурига киритилган ушбу 10 та лойиҳанинг режалаштирилган қиймати 102.3 млн. АҚШ долларини ташкил этади. 2011 йилда 114,20 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағни жалб этилган бўлиб, режага нисбатан 111,6 % ни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги Инвестиция дастури тўғрисида”ги ПҚ-1668-сонли қарори асосида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан 9 та лойиҳа бўйича ишлар амалга оширилиши режалаштирилган. Ҳукумат қафолати билан 2012 йил Инвестиция дастурига киритилган ушбу 9 та лойиҳанинг жорий йил январь-апрель ҳолати бўйича ўзлаштириш режаси 19,11 ҳамда жалб этиш режаси 18,22 млн. АҚШ долларини ташкил этади. 2012 йил январь-апрель ҳолати бўйича режага нисбатан амалда ўзлаштириш 101 % га, яъни 18,37 млн.АҚШ долларига ва жалб этиш 101 % га, яъни 19,32 млн.АҚШ долларига бажарилди. Шу жумладан:

1. Жаҳон Банки маблағлари ҳисобидан, яъни “Ўзбекистоннинг дренаж лойиҳаси. Жанубий Қорақалпоғистондан дренаж ўтказиш” лойиҳаси. Лойиҳанинг умумий қиймати 74,55 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, ундан Ўзбекистон Ҳукуматининг улуши 14,55 млн. АҚШ долларини ва 60,0 млн. АҚШ доллари эса ХТТБ (МБРР)нинг қарзи (заём) маблағларини ташкил этади. Булар жумласидан Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки қарзи (заёми) 35,0 млн. АҚШ долларини ва 25,0 млн. АҚШ доллари Халқаро Тараққиёт Уюшмаси (МАР) нинг қарзи (кредити)ни ташкил этади. 2011 йилда 5,36 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағни жалб этиш режалаштирилган. 2011 йил январь-март ойлари учун 0,940 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағни жалб этиш режалаштирилган бўлиб, амалда 0,940 млн. АҚШ долларини ёки режага нисбатан 100% ни ташкил этган.


2011 йил биринчи ярмида 2,732 млн.АҚШ доллари миқдоридаги маблағни жалб этиш режалаштирилган бўлиб, жалб этиш 2,732 млн. АҚШ долларини ёки режага нисбатан 100,0 % ни ташкил этди. Лойиҳа бошлангандан буён 01.07.2011 йил ҳолатига 50,64 млн.АҚШ доллари миқдорида ёки умумий кредит қийматидан 84,4% ҳажмида маблағ ўзлаштирилди.

2011 йил январь-сентябрь ойлари учун 4,637 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағни жалб этиш режалаштирилган бўлиб, жалб этиш 4,638 млн. АҚШ долларини ёки режага нисбатан 100,0 % ни ташкил этди. Лойиҳа бошлангандан буён 01.10.2011 йил ҳолатига 52,442 млн. АҚШ доллари миқдорида ёки умумий

кредит қийматидан 87,4% ҳажмида маблағ ўзлаштирилди.

2012 йил январь-апрель ҳолатига 1,075 млн. АҚШ долари маблағини жалб этиш режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатдан 1,205 АҚШ долл. маблағи жалб этилди, яъни режага нисбатан 112% ни ташкил этди. 2012 йил 1 апрел ҳолатига 54,367 млн. АҚШ доллари миқдорида ёки умумий кредит қийматидан 90,61% ҳажмида маблағ ўзлаштирилди.

2. ОПЕК Халқаро тараққиёт Жамғармаси иштирокида Бухоро вилояти «Қуйи-Мозор» насос станциясини қайта тиклаш лойиҳаси. Бухоро вилоятининг 29 минг гектарга яқин суғориладиган ер майдонини сув билан кафолатли таъминлаш, сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш, фермер хўжалиklarининг моддий-техника ресурслари таъминоти ва механизация хизматларидан фойдаланиш бўйича имкониятларини кенгайтириш ҳамда ОПЕК Халқаро тараққиёт Жамғармаси билан



2.1-диаграмма. Жанубий Қорақалпоғистондан дренаж ўтказиш лойиҳасини молиялаштириш

ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 17 январдаги ОПЕК Халқаро тараққиёт Жамғармаси иштирокида «Қуйи-Мозор» насос станциясини қайта тиклаш лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари туғрисидаги ПҚ-782-сонли қарори қабул қилинган. Лойиҳанинг умумий қиймати 18,476 млн. АҚШ доллари. Бундан ОПЕК Фонди улуши 12,0 млн. АҚШ доллари (65 %), Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати улуши 6,476 млн. АҚШ долларини (35 %) ташкил этади. Лойиҳани амалга ошириш муддати 2008-2011 йиллар. Лойиҳа бошлангандан буён 01.04.2011 йил ҳолатига 8,186 млн. АҚШ доллари жалб этилган.

2011 йил учун 3,81 млн.АҚШ доллари миқдоридаги кредит маблағини жалб этиш режалаштирилган. 2011 йил биринчи ярмида 1,664 млн.АҚШ доллари миқдоридаги маблағни жалб этиш режалаштирилган бўлиб, жалб этиш 1,665 млн. АҚШ долларини ёки режага нисбатан 100,1 % ни ташкил этди. Лойиҳа бошлангандан буён 01.07.2011 йил ҳолатига 9,326 млн.АҚШ доллари миқдорида ёки умумий кредит қийматидан 77,7% ҳажмида маблағ жалб қилинди.

2011 йил январ-сентябрь ойлари учун 3,045 млн.АҚШ доллари миқдоридаги маблағни жалб этиш режалаштирилган бўлиб, жалб этиш 3,046 млн. АҚШ долларини ёки режага нисбатан 100,0% ни ташкил этди. Лойиҳа бошлангандан буён 01.10.2011 йил ҳолатига 11,236 млн.АҚШ доллари миқдорида ёки умумий кредит қийматидан 93,6% ҳажмида маблағ жалб қилинди.

3. Бухоро вилояти “Олот насос станциясини қайта тиклаш” лойиҳаси. Саудия тараққиёт Жамғармасининг кредити. Лойиҳанинг амалга оширилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 9 июлдаги Ф-2789-сонли фармойиши ҳамда 2010 йил 25 октябрдаги ПҚ-1422-сонли қарори асосида амалга оширилмоқда. Лойиҳанинг умумий қиймати 17,01 млн АҚШ доллари бўлиб, шундан 12,0 млн АҚШ доллари Саудия тараққиёт Жамғармасининг кредити, Ўзбекистон Ҳукуматининг улуши 5,01 млн АҚШ долларини ташкил этади. 2011 йилда 7,8 млн АҚШ доллари миқдорида маблағни жалб этиш кўзда тутилган, январь-март ойлари учун 1,875 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағни жалб

этиш режалаштирилган бўлиб, амалда 1,893 млн АҚШ доллари ёки режага нисбатан 101 % ни ташкил қилади.

2011 йил биринчи ярмида 5,693 млн.АҚШ доллари миқдоридаги маблағни жалб этиш режалаштирилган бўлиб, жалб этиш 8,786 млн. АҚШ долларини ёки режага нисбатан 154,3 % ни ташкил этди. Лойиҳа бошлангандан буён 01.07.2011 йил ҳолатига 8,976 млн.АҚШ доллари миқдорида ёки умумий кредит қийматидан 75,0% ҳажмида маблағ жалб қилинди.

2011 йил январь-сентябрь ойлари учун 5,775 млн.АҚШ доллари миқдоридаги маблағни жалб этиш режалаштирилган бўлиб, жалб этиш 8,886 млн. АҚШ долларини ёки режага нисбатан 154% ни ташкил этди.Лойиҳа бошлангандан буён 01.10.2011 йил ҳолатига 9,086 млн.АҚШ доллари миқдорида ёки умумий кредит қийматидан 75,7% ҳажмида маблағ жалб қилинди.

2012 йил январь-апрель ҳолатига маблағ жалб этиш ва ўзлаштириш кўзда тутилмаган.

4. Осиё тараққиёт банки иштирокида “Аму-Занг машина канали тизимини тиклаш” инвестиция лойиҳаси. Лойиҳанинг умумий қиймати 112,6 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, бундан 73,2 млн. АҚШ доллари (65%) Осиё тараққиёт банки қарзи, Ўзбекистон Ҳукуматининг улуши 36,957 млн. АҚШ доллари (32,8%), Бенефициарлар улуши 2,443 млн. АҚШ долларини (2,2%) ташкил этади. 2011 йилда лойиҳа бўйича жами 5,45 млн. АҚШ долл. ўзлаштириш белгиланган. Ҳисобот даврида 2011 йил январь-март ойлари учун прогноз кўрсаткичлари 1,642 млн. АҚШ долл. жалб этилган. Лойиҳа бошидан 01.04.2011 ҳолатига жами 62,22 млн. долл. кредит маблағ жалб этилган.

2011 йил биринчи ярмида 2,782 млн.АҚШ доллари миқдоридаги маблағни жалб этиш режалаштирилган бўлиб, жалб этиш 2,782 млн.АҚШ долларни ёки режага нисбатан 100% ни ташкил этди. Лойиҳа бошлангандан буён 01.07.2011 йил ҳолатига 63,36 млн. АҚШ доллари миқдорида ёки умумий кредит қийматидан 86,5% ҳажмида маблағ жалб қилинди.

2011 йил январь-сентябрь ойлари учун 3,937 млн.АҚШ доллари миқдоридаги маблағни жалб этиш режалаштирилган бўлиб, жалб этиш 3,937 млн.АҚШ

долларни ёки режага нисбатан 100% ни ташкил этди. Лойиҳа бошлангандан буён 01.10.2011 йил ҳолатига 65,393 млн. АҚШ доллари миқдорида ёки умумий кредит қийматидан 89,3% ҳажмида маблағ жалб қилинди.

2012 йил январь-апрель ҳолатига 3,35 млн. АҚШ доллари маблағини ўзлаштириш режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатдан 3,35 АҚШ долл. маблағи ўзлаштирилди, яъни режага нисбатан 100% ни ташкил этди. 2012 йил 1 апрел ҳолатига 70,25 млн. АҚШ доллари миқдорида ёки умумий кредит қийматидан 95,97% ҳажмида маблағ жалб қилинди.

5. Осиё Тараққиёт Банки маблағлари иштирокида “Фарғона ва Зарафшон водийларида сув ресурсларини бошқариш ” лойиҳаси. Лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 10 августдаги ПҚ-1172-сонли қарори асосида амалга оширилмоқда. Лойиҳанинг умумий қиймати 144,05 млн АҚШ долларини ташкил этиб, бундан 100,0 млн АҚШ доллари Осиё Тараққиёт Банки қарзи, Ўзбекистон Ҳукуматининг улуши 44,05 млн. АҚШ долларини ташкил этади. 2011 йилда 16,98 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағни ўзлаштириш режалаштирилган. 2011 йил январь-март ойлари учун 4,75 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағни жалб этиш режалаштирилган бўлиб, амалда 4,75 млн. АҚШ долларини ёки режага нисбатан 100% ни ташкил этган.

2011 йил биринчи ярмида 13,3 млн.АҚШ доллари миқдоридаги маблағни жалб этиш режалаштирилган бўлиб, жалб этиш 13,31 млн.АҚШ долларини ёки режага нисбатан 100,1% ни ташкил этди. Лойиҳа бошлангандан буён 01.07.2011 йил ҳолатига 19,91 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағ ёки умумий кредит қийматидан 19,9% ҳажмида маблағ жалб қилинди.

2011 йил январь-сентябрь ойлари учун 13,56 млн.АҚШ доллари миқдоридаги маблағни жалб этиш режалаштирилган бўлиб, жалб этиш 13,57 млн.АҚШ долларини ёки режага нисбатан 100,1% ни ташкил этди. Лойиҳа бошлангандан буён 01.09.2011 йил ҳолатига 20,17 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағ ёки умумий кредит қийматидан 20,17% ҳажмида маблағ жалб қилинди.

2012 йил январь-апрель ҳолатига 3,68 млн. АҚШ доллари маблағини ўзлаштириш режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатдан 3,68 АҚШ долл. маблағи

ўзлаштирилди, яъни режага нисбатан 100% ни ташкил этди. 2012 йил 1 апрел ҳолатига 27,26 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағ ёки умумий кредит қийматидан 27,26% ҳажмида маблағ жалб қилинди.

6. Ислон тараққиёт банки, Қувайт Араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси ва ОПЕК ҳалқаро тараққиёт жамғармаси иштирокидаги “Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ирригация-дренаж тармоқларини тиклаш” лойиҳаси. Лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 9 июлдаги ПФ-2789-сонли фармойиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 29 октябрдаги ПК-1215-сонли қарори асосида амалга оширилмоқда. Лойиҳанинг умумий қиймати 94,3 млн.АҚШ долларини ташкил этиб, бундан Қувайт Араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси қарзи 15,62 млн.АҚШ доллари, Ислон Тараққиёт Банки қарзи 52,65 млн.АҚШ доллари ва ОПЕК ҳалқаро тараққиёт жамғармаси қарзи 12,72 млн. АҚШ долларини ташкил этади. 2011 йилда 17,635 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағни ўзлаштириш режалаштирилган. 2011 йил январь-март ойлари учун 0,0294 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағни жалб этиш режалаштирилган бўлиб, амалда 0,0294 млн. АҚШ доллари ёки режага нисбатан 100%ни ташкил этган.

2011 йил биринчи ярмида 5,60 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағни жалб этиш режалаштирилган бўлиб, ўзлаштириш 5,60 млн. АҚШ долларини ёки режага нисбатан 100,0% ни ташкил этди. Лойиҳа бошлангандан буён 01.07.2011 йил ҳолатига 14,6 млн.АҚШ доллари миқдорида маблағ ёки умумий кредит қийматидан 18% ҳажмида маблағ ўзлаштирилди.

2011 йил январь-сентябрь ойлари учун 8,1301 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағни жалб этиш режалаштирилган бўлиб, ўзлаштириш 8,153 млн. АҚШ долларини ёки режага нисбатан 100,3% ни ташкил этди. Лойиҳа бошлангандан буён 01.10.2011 йил ҳолатига 19,57 млн.АҚШ доллари миқдорида маблағ ёки умумий кредит қийматидан 24,1% ҳажмида маблағ ўзлаштирилди.

2012 йил январь-апрель ҳолатига 2,85 млн. АҚШ доллари маблағини ўзлаштириш режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатдан 2,85 АҚШ долл. маблағи ўзлаштирилди, яъни режага нисбатан 100% ни ташкил этди. 2012 йил 1 апрел

ҳолатига 31,93 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағ ёки умумий кредит қийматидан 39,42% ҳажмида маблағ жалб қилинди.

7. Халқаро тараққиёт уюшмаси банки (МАР) маблағлари ҳисобидан, яъни “Фарғона водийсида сув ресурсларини бошқариш. 1-босқич.” лойиҳаси. Лойиҳанинг умумий қиймати 81,85 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, ундан Ўзбекистон Ҳукуматининг улуши 16,31 млн. АҚШ долларини (солиқлардан озод этиш кўринишида) ва 65,54 млн. АҚШ доллари Халқаро Тараққиёт Уюшмаси (МАР) нинг қарзи (кредити)ни ташкил этади. 2011 йилда 14,974 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағни ўзлаштириш режалаштирилган. 2011 йил январь-март ойлари учун 1,457 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағни жалб этиш режалаштирилган бўлиб, амалда 0,165 млн. АҚШ долларини ёки режага нисбатан 11% ни ташкил этдган Лойиҳа бошлангандан буён 01.04.2011 йил ҳолатига 4.179 млн. АҚШ доллари маблағ жалб этилган.

2011 йил биринчи ярмида 1,823 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағни жалб этиш режалаштирилган бўлиб, амалда 1,823 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Лойиҳа бошлангандан буён 01.07.2011 йил ҳолатига 5,84 млн. АҚШ доллари миқдорида ёки умумий кредит қийматидан 8,9% ҳажмида маблағ жалб қилинди.

2011 йил январь-сентябрь ойлари учун 10,289 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағни жалб этиш режалаштирилган бўлиб, амалда 10,289 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Лойиҳа бошлангандан буён 01.10.2011 йил ҳолатига 14,30 млн. АҚШ доллари миқдорида ёки умумий кредит қийматидан 21,8% ҳажмида маблағ жалб қилинди.

2012 йил январь-апрель ҳолатига 2,486 млн. АҚШ доллари маблағини ўзлаштириш режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатдан 2,486 АҚШ долл. маблағи ўзлаштирилди, яъни режага нисбатан 100% ни ташкил этди. 2012 йил 1 апрел ҳолатига 21,48 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағ ёки умумий кредит қийматидан 32,77% ҳажмида маблағ жалб қилинди.

8. “Қишлоқ хўжалиги корхоналарини кўллаб-қувватлаш” лойиҳаси. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 27 августдаги 196-сонли қарори ва Жаҳон банки ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати

ўртасида 2008 йилнинг 8 октябрь куни имзоланган молиялаштириш тўғрисидаги битимига асосан амалга оширилмоқда. Лойиҳанинг умумий қиймати 76,943 млн АҚШ долларини ташкил этиб, бундан 67,96 млн АҚШ доллари Жаҳон Банки қарзи, Ўзбекистон Ҳукуматининг улуши 7,438 млн. АҚШ доллари, бенифициарларнинг улуши 1,545 млн АҚШ доллари миқдордаги маблағларни ташкил этади. 2011 йилда 16,927 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағни жалб этиш режалаштирилган. 2011 йил январь-март ойлари учун 2,945 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағни жалб этиш режалаштирилган бўлиб, амалда 4,098 млн. АҚШ долларни ёки режага нисбатан 139 % ни ташкил этган.

2011 йил биринчи ярмида 6,029 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағни жалб этиш режалаштирилган бўлиб, жалб этиш 7,022 млн. АҚШ долларни ёки режага нисбатан 116,5% ни ташкил этди. Лойиҳа бошлангандан буён 01.07.2011 йил ҳолатига 28,275 млн. АҚШ доллари миқдорида ёки умумий кредит қийматидан 41,6% ҳажмида маблағ ўзлаштирилди.

2011 йил январь-сентябрь ойлари учун 9,933 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағни жалб этиш режалаштирилган бўлиб, жалб этиш 10,703 млн. АҚШ долларни ёки режага нисбатан 107,8% ни ташкил этди. Лойиҳа бошлангандан буён 01.10.2011 йил ҳолатига 33,28 млн. АҚШ доллари миқдорида ёки умумий кредит қийматидан 48,97% ҳажмида маблағ ўзлаштирилди.

2012 йил январь-апрель ҳолатига 1,933 млн. АҚШ доллари маблағини ўзлаштириш режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатдан 2,0 АҚШ долл. маблағи ўзлаштирилди, яъни режага нисбатан 103,5% ни ташкил этди. 2012 йил 1 апрел ҳолатига 41,17 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағ ёки умумий кредит қийматидан 60,58% ҳажмида маблағ жалб қилинди.

9. Осиё тараққиёт банки иштирокида “Бухоро, Навоий ва Қашқадарё вилоятларида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш” лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 26 сентябрдаги ПҚ-698-сонли қарори асосида амалга оширилмоқда. Лойиҳанинг умумий қиймати 76,18 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, бундан 60,2 млн. АҚШ доллари Осиё Тараққиёт Банки қарзи, Ўзбекистон Ҳукуматининг улуши 15,58 млн. АҚШ доллари,

бенифициарларнинг улуши 0,394 млн АҚШ доллари миқдордаги маблағларни ташкил этади. 2011 йилда 17,163 млн. АҚШ доллари миқдордаги маблағни жалб режалаштирилган. 2011 йил январь-март ойлари учун 3.139 млн. АҚШ доллари миқдордаги маблағни жалб этиш режалаштирилган бўлиб, амалда 1.986 млн.АҚШ долларини ёки режага нисбатан 63.3% ни ташкил этган.

2011 йил биринчи ярмида 5,567 млн. АҚШ доллари миқдордаги маблағни ўзлаштириш режалаштирилган бўлиб, ўзлаштириш 5,58 млн.АҚШ долларини ёки режага нисбатан 100,2% ни ташкил этди. Лойиҳа бошлангандан буён 01.07.2011 йил ҳолатига 13,792 млн.АҚШ доллари миқдорда маблағ ёки умумий кредит қийматидан 22,9% ҳажмида маблағ ўзлаштирилди.

2011 йил январ-сентябрь ойлари учун 10,458 млн. АҚШ доллари миқдордаги маблағни ўзлаштириш режалаштирилган бўлиб, ўзлаштириш 11,828 млн.АҚШ долларини ёки режага нисбатан 113,1% ни ташкил этди. Лойиҳа бошлангандан буён 01.10.2011 йил ҳолатига 20,619 млн.АҚШ доллари миқдорда маблағ ёки умумий кредит қийматидан 42,1% ҳажмида маблағ ўзлаштирилди.

2012 йил январь-апрель ҳолатига 2,783 млн. АҚШ доллари маблағини ўзлаштириш режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатдан 2,794 АҚШ долл. маблағи ўзлаштирилди, яъни режага нисбатан 100,4% ни ташкил этди. 2012 йил 1 апрел ҳолатига 28,18 млн. АҚШ доллари миқдорда маблағ ёки умумий кредит қийматидан 46,82% ҳажмида маблағ жалб қилинди.

10. Хитой Халқ Республикасининг беғараз кўмаги маблағлари ҳисобидан “Бухоро вилоятидаги “Қоракўл” насос станциясини реконструкция қилиш” лойиҳаси. Лойиҳанинг умумий қиймати 13.978 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, ундан Ўзбекистон ҳукуматининг улуши 6,6548 млн. АҚШ долларини ва 7,3238 млн.АҚШ доллари эса Хитой Халқ Республикасининг беғараз кўмаги маблағлари ташкил этади. 2011 йилда 0,37 млн. АҚШ доллари миқдордаги маблағни ўзлаштириш режалаштирилган. Ҳисобот даврида 2,63 млн. АҚШ доллари миқдордаги маблағ жалб этилди. Лойиҳа бошлангандан буён 01.07.2011 йил ҳолатига 7,01 млн.АҚШ доллари миқдорда ёки умумий кредит қийматидан 96,0% ҳажмида маблағ жалб қилинди.

2011 йил январ-сентябрь ойлари учун 2,63 млн.АҚШ доллари миқдордаги маблағни жалб этилди. Лойиҳа бошлангандан буён 01.10.2011 йил ҳолатига 7,01 млн.АҚШ доллари миқдорда ёки умумий кредит қийматидан 96,0% ҳажмида маблағ жалб қилинди.

2012 йил январь-апрель ҳолатига бюджет маблағларидан 1,341 млрд сўм

маблағ миқдорида қурилиш монтаж ишлари бажарилди.

Республикада Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан амалга оширилаётган 10 та хорижий инвестицион лойиҳаларнинг умумий қиймати 709,94 млн. АҚШ долларини ташкил етиб, ундан Ўзбекистон ҳукуматининг ва бенефициарлар улуши 126,66 млн. АҚШ долларини ва қолган қисми 539,21 млн. АҚШ доллари яъни 76 %ни Халқаро кредит ташкилотларининг улушига тўғри келади.

2012 йил биринчи чорагига инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда Халқаро кредит ташкилотларидан 302,74 млн. АҚШ доллари, яъни 66,5 % ўзлаштирилган. Бу натижа 2011 йилнинг шу даврига нисбатан 2 маротаба кўп демакдир. Хулоса қилиб айтганда қишлоқ хўжалигида стратегик ва узоқ муддатли инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда халқаро кредит ташкилотлари билан халқаро иқтисодий муносабатлар ўрнатиш кенг аҳамиятга эга.

3-Боб. АГРАР СОҲАНИ ИНВЕСТИЦИЯЛАШНИ БАҲОЛАШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

3.1. Инвестициявий лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш усуллари

Хозирги вақтда инвестициявий лойиҳалаштириш амалиётида лойиҳалар самарадорлигини баҳолашда энг кўп ишлатиладиган дисконтлашган мезонлар куйидагилардир:

1. Соф жорий қимматлилик (net present value) NPV.
2. Фойдалилик индекси (profitability index) PI.
3. Харажатларга даромадларнинг нисбати (Benefit to cost ratio) B/C ratio.
4. Лойиҳа даромадлигининг ички нормаси (internal rate of return) IRR.
5. Харажатларни қоплаш даври (payback period) PBP.
6. Ички рентабеллик ставкасининг модифицирланган усули.
7. Инвестиция самарадорлиги коэффициентини ҳисоблаш усули.

Қўшимча белгилар киритамиз:

V_t - t йилдаги лойиҳанинг даромади;

C_t - t йилдаги лойиҳа харажатлари;

$t=1, \dots, n$ - лойиҳанинг амал қилиш йиллари.

1. Лойиҳанинг соф ҳозирги қиймати усули (NPV) инвестицион лойиҳани амалга ошиши натижасида корxonани бозор қиймати ўсиши мумкин бўлган соф жорий қийматни аниқлашга асосланган.

Соф жорий қиймат – бу инвестицион лойиҳани амалга оширганда вужудга келган ва жорий қийматларга дисконтланган пул тушумлари суммаси билан ушбу лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган барча харажатларнинг дисконтланган жорий қиймати суммаси орасидаги фарқ.

Соф жорий қийматлилиги қуйидагича аниқланади:

$$NPV = \frac{B_1 - C_1}{1+r} + \frac{B_2 - C_2}{(1+r)^2} + \dots + \frac{B_t - C_t}{(1+r)^t} \quad (1)$$

Лойиҳалар тўғрисида ечим қабул қиладиган шахслар афзалликни NPV ижобий қийматга эга бўлган лойиҳаларга бериши керак. NPV нинг салбий натижаси даромад нормаси зарурийдан кам бўлганлиги, пул маблағларни самарасиз ишлатилганлиги ҳақида гувоҳлик беради.

Юқоридан келтирилган иборадан кўриниб турибдики, соф жорий қийматликнинг абсолют миқдори NPV ўлчамларнинг икки турига боғлиқ. Биринчи - инвестицион жараёни объектив жиҳатдан тавсифлайди, у ишлаб чиқариш жараёни билан белгиланади. Иккинчи турига фоиз ставкасининг миқдори сифатида киритиш мумкин.

Қўйилмалар жараён бошида амалга оширилганда, самара бериши - лойиҳанинг бутун фаолияти давомида бўлганда NPV нинг r ставкаси билан боғланишини таҳлил қиламиз. Фоиз ставкаси маълум r^* миқдорга етса, инвестициянинг самарадорлиги нолга тенг бўлади. Хар қандай r^* дан кам бўлган фоиз ставкаси NPV нинг ижобий жиҳатига мос келади (3.1-расм).

NPV

0 r^* r

3.1-расм. Бир меъёрдаги самарадорлик юз берганда NPVнинг r ставкасига боғлиқлиги

Фойиз ставкаси юқори даражада бўлганда узоклашган тўловлар NPV га кам таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам қоплаш даври муддатлари хар хил бўлган лойиҳалар якуний иқтисодий самара бўйича амалий жиҳатдан бир хил қийматга эга бўлиши мумкин. ҳамма гап шундаки, юқори соф жорий қийматга эга бўлган лойиҳалар самарасиз ҳам бўлиши мумкин ва натижада унчалик катта бўлмаган фойдалилик индексига эга бўлади. Шу нарса аниқки, даромадлар кирими, бошқа шароитларни ҳисобга олган ҳолда анча узок муддатга эга бўлган лойиҳа бошқаларга нисбатан қулайроқ бўлади.

Лойиҳанинг соф жорий қимматлик меъёрини аниқлаб берувчи асосий омиллардан бири - инвестициялар, ишлаб чиқариш ёки сотувларнинг «жисмоний» хажмларда ифодаланган фаолият хажми (масштаби) ҳисобланади. Шу тавсифи билан фарқ қиладиган лойиҳаларни таққослаш учун қўлланиладиган усул табиий чеклашлардан иборат бўлади: NPVнинг катта миқдори капитал қўйилмаларнинг янада самарали вариантга тўғри келмаслиги мумкин.

Ушбу усул фақат қуйидаги саволга жавоб беради: таҳлил қилинаётган пул қўйиш варианты корхона бозор баҳоси ўсишига ёки инвестор бойлиги ошишига тўғри келади.

Лекин, бу кўрсаткич қуйидаги камчиликка эга: танланган дисконт ставкаси одатда лойиҳа эксплуатациясининг биринчи даври учун ўзгартирмасдан қўлланилади. Шу билан бир вақтда келажак даврда иқтисодий шароитлар ўзгариши билан боғлиқ равишда бу ставка ўзгариши мумкин. Бу камчиликка қарамасдан ушбу кўрсаткич чет эл тажрибасида инвестиция самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари тизимида энг ишончлиларидан ҳисобланади.

2.Фойдалилик индекси. Фойдалалилик индекси profitability index, PI лойиҳанинг нисбий фойдалилигини ёки лойиҳада қўйилма бирлигига тўғри келадиган пул киримларининг дисконтлашган қийматини ифодалайди. Лойиҳаларнинг тадқиқотчилари уни ҳисоблашда хар хил ечимлардан

фойдаланишади. Айримлар PI ни лойиҳадан олинган соф келтирилган киримларни дастлабки қўйилмаларга бўлиш йўли ҳисоблайди ёки :

$$PI = \frac{NPV}{C_0} \quad (2)$$

бу ерда : NPV - лойиҳанинг соф келтирилган қимматлиги;

C_0 - дастлабки харажатлар.

Мазкур ҳолатда ечимни қабул қилиш мезони NPV га асосланган ечимга мос, яъни $PI > 0$.

Бошқа тадқиқотчилар бу мезонни дисконтлашган киримларни дисконтлашган тўловларга бўлишдан келиб чиққан деб ҳисоблашади ва бундай ҳолатда самарали лойиҳалар учун унинг миқдори бирдан кам булмаслиги керак. Аммо ҳисобнинг ҳар бир усулида ҳам фойдалилик индекси қўйилмаларнинг самарадорлигини ифодалайди.

Лекин эсдан чиқармаслик керакки, фойдалилик индексининг юқори меъёрлари NPV нинг юқори аҳамиятига доимо мос келмаслиги ҳам мумкин, тескари ҳолат ҳам рўй бериши мумкин. Гап шундаки, юқори жорий кимматлиликка эга булган лойиҳалар самарасиз бўлиши мумкин, демак фойдалилик индекси унча катта бўлмаслиги мумкин.

3. Даромадлар/харажатлар нисбати, Даромадлар/харажатлар ёки фойдалар, сарфлар нисбати (Benefits to Costs Ratio) даромадларнинг дисконтлашган оқими(суммаси)ни харажатларнинг дисконтлашган оқимига бўлиш йўли билан аниқланади ва қуйидаги формула бўйича ҳисобланади.

(3)

Бу мезон фойдалилик индекси мезонинг хусусий хили бўлиб ҳисобланади.

Агар $B/C_{ratio} > 1$ бўлса, лойиҳанинг даромадлилиги минимал даражадан юқоридир ва лойиҳа қониқарли деб ҳисобланади.

(Даромадлар/харажатлар) нисбати лойиҳани молиявий жиҳатдан қониқарсиз лойиҳага айлантирмаслик учун харажатларни қанчага ошириш мумкинлигини

ифодалайди.

Кўп ҳолларда NPV ва B/C_{ratio} икки, лойиҳадан энг яхшисини бир хил табакалаштиради. Аммо айрим вазиятларда бир нечта муқобил вариантлардан биттасини NPV ва B/C_{ratio} мезонлари бўйича танлашда қарама-қарши натижалар ҳосил бўлади.

3.1-чизмада ифодаланган NPV ва B/C_{ratio} нинг тенг маънода бўлган ва лойиҳаларга мос келадиган нуқталарини топайлик.

Қатъий бюджет чеклашлари шароитида $C=C^*$ самарадорлик чегаралари икки мезон учун мос келади:

$$NPV=0 \Leftrightarrow B/C_{ratio}=0 \quad (4)$$

чизиқдан юқорида ётган лойиҳалар каттароқ даромадлиқка эгадир. (ML га нисбатан устунлироқдир ва N га ўрин беради).

4.Даромадлиқнинг ички меъёри (Internal Rate of Return).

Даромаднинг ички меъёри деганда, доимий олинадиган даромадни капиталлаш, инвестицияга тенг суммани берадиган ҳисобланган фоиз ставкаси тушунилади. Унинг натижасида капитал қўйиш операцияда қопланади. Бошқа сўз билан айтганда ички даромадлиқ нормасига тенг ставка бўйича инвестиция суммаси фоизда ҳисобланганда даромад вақтида тақсимланади. Ставка қанча юқори бўлса капитал қўйилма самараси шунчалик юқори бўлади.

IRR инвестициялашга йўналтирилган маблағларни қоплаш даражасини билдиради ва ўз табиати билан турли фоиз ставкаларга яқин. IRR ни аниқлаш усули даромадлар тақсимланишининг аниқ хусусиятларига ва инвестицияга боғлиқ.

Умумий ҳолда, инвестиция ва ундан қайтиш тўловлар оқими кўринишидаги берилса, IRR қуйидаги тенглама асосида аниқланади:

$$(5)$$

Буни r га нисбатан чизиқли интерполяция ёки Ньютон - Рафсон усули ёрдамида ечилади.

IRRни аниқлаш пул тушумлари миқдори бўйича бир хил бўлмаганда қийин

бўлади. Бундай ҳолда ҳисоблаш жараёнини синаб кўриш ва хатолар усулига мурожат қилиб ўзгартириш керак. Бунга бир нечта сонлар ичида IRRнинг қиймати аниқланади. IRR инвестор томонидан инвестициялаш учун қайси баҳода капитални олиш бўйича стандарт ҳисоб сифатида ўзи учун танланади. Инвестицияни мақбул даромадлилик даражаси барьер коэффициентини HR дейилади. Буни таққослаш тамойили қуйидагича:

- агар $IRR > HR$ лойиҳа мақбул;
- агар $IRR < HR$ лойиҳа мақбул эмас;
- агар $IRR = HR$ турлича қарор қабул қилиш мумкин.

IRR фойдасиз лойиҳаларни ўтказиб юборувчи элак вазифасини бажаради. Ундан ташқари лойиҳалар фойдалилик даражаси бўйича тартибда асос бўлиб хизмат қилади.

Усулнинг камчиликлари:

- IRR ставкаси бўйича лойиҳадан барча оралиқ пул тушумларини реинвесторлашда кам реал ҳолатни кўзда тутаяди. Ҳаётда маблағ қисми дивидент кўринишида тўлангани, бир қисми паст даромадли, лекин ишончли активларга, масалан давлатнинг қисқа муддатли облигацияларига ва бошқаларга инвестицияланган бўлиши мумкин;

- усул конвенциал бўлмаган пул оқимларида ички даромадлилик нормаси кўплиги муаммосини ечмайди, баъзан бундай ҳолларда IRR умуман аниқлашга тўғри келмайди.

Ушбу усулнинг афзаллиги шундаки, у ҳар қандай компаниянинг бош мақсадига эришишга ва унинг акционерлари бойлигини оширишга йўналтирилган;

Даромадлиликнинг ички меъёри (Internal Rate of Return). NPV , B/C_{ratio} ва PI ҳисобланганда фоиз ставкасининг танланиши ҳисобнинг якуний натижасига анча катта даражада ва, демак, унинг ўзгаришига ҳам таъсир кўрсатади. Олдин ифодалангандай, фоиз ставкасининг меъёрига инфляция ўзгариши, муқобил имкониятлар ва инвестициявий хатарнинг даражаси таъсир этади.

$NPV=0$ тенг бўлган ҳолатда фоиз ставкаси r^* нинг моҳияти жуда қизиқарли

бўлади (3.1-чизма). r^* нуқтасида харажатларнинг қўшма дисконтлашган оқими даромадлар қўшма дисконтлашган оқимига тенг бўлади. Бу нуқта дисконтлашган «зарар кўрмаслик нуқтаси»нинг аниқ иқтисодий маъносига эга деб тасдиқлаш мумкин. У рентабелликнинг ички нормаси ёки фойдалилик деб аталади. ДИН ёки инглиз аббревиатурасида - IRR деб белгиланади. Бу мезон лойиҳанинг инвесторига маблағлар қўйилишининг мақсадга мувофиқлигини баҳолаш имконини беради. Агар банкнинг ҳисобот ставкаси IRR дан кўп бўлса, демак, бунда инвестор банкка ўз маблағларини қўйса катта даромадга эришиши мумкин.

3.1-чизмадан кўришиб турибдики, r^* бу IRRдир. Агар капитал қўйилмалар фақат жалб этилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилса ва кредит ставкаси асосида олинган бўлса, бунда (r^*-i) фарқи инвестициявий (тадбиркорлик) фаолиятининг самарасини ифодалайди. $r^*=i$ бўлган пайтда олинган даромад билан фақат инвестицияларни қоплаш мумкин (инвестициялар фойдасиз), $r^*<i$ да инвестициялар зарар келтиради.

Молиявий амалиётда IRR ҳисобини дам-бадам капитал қўйилмаларни миқдорий таҳлилнинг биринчи қадами сифатида қўллайдилар. Кейинги таҳлил учун IRR 15-20% дан кам балмаган даражада баҳоланган инвестициявий лойиҳалар ажратиб олинади. Молиялаштириш учун қабул қилинган лойиҳалар даромадлиликнинг ички нормаси иқтисодиёт тармоги ва мулк шаклига ёки лойиҳанинг хусусий ёки давлат корхонасига тегишли бўлишига қараб ўзгариб боради.

Демак, IRRнинг моҳияти инвестицион лойиҳадаги даромадлиликнинг пастки кафолатланган даражаси деб изоҳланиши мумкин. Шундай қилиб, агар бу лойиҳанинг капитал муқобил қийматидан (масалан, қайта молияштириш ставкасидан) кўп бўлса, лойиҳани қониқарли деб ҳисоблаш мумкин.

Айрим пайтларда фойдалиликнинг ички нормасини инвестициялар даромадлигининг энг юқори даражаси деб кўриш мумкин, бу эса лойиҳага қўшимча қўйилмаларни жойлаштириш мувофиқлигининг мезони бўлиши мумкин.

5. Инвестицияни қоплаш усули: оддий дисконтсиз ва дисконтли энг кўп қўлланувчи кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Вақт олишни ҳисобга олмасдан,

яъни даромаднинг ҳар хил вақтда олинган бир хил суммалари қиймати бир хил деб ҳисобланади. Қоплаш муддати кўрсаткичи қуйидагича аниқланади.

$$n_y = K / R \quad (6)$$

бу ерда:

n_y	– қоплаш муддатининг соддалаштирилган кўрсаткичи;
K	- инвестиция ҳажми;
R	- йиллик соф даромад

Агар соф даромад бир хилда бўлмаса, қоплаш муддати тушумларини қўшиш ва соф даромаднинг суммаси инвестиция суммасига тенг бўлгунга қадар вақтни ҳисоблаш натижасида аниқланади. Чет давлатларда n_y – кўрсаткичи асосан кичик корхоналарда қўлланилади. Бу кўрсаткичнинг асосий камчилиги у инвестицияга амал қилишнинг тўлиқ даврини ҳисобга олмайди. Бу камчилик капитал қўйилмаларнинг тушуми тенг бўлмаганда кўзга ташланади. Шунинг учун қоплаш муддати кўрсаткичи танлаш мезони бўлиб, эмас, қарор қабул қилишда фақат чеклаш сифатида қўлланилади, яъни лойиҳанинг қоплаш муддати қабул қилинган чеклашдан катта бўлса, мумкин бўлган инвестицион лойиҳалар рўйхатидан чиқариб ташланади.

3.2. Аграр тармоққа жалб қилинадиган инвестицияларнинг иқтисодий самрадорлик омиллари.

Президент Ислом Каримовнинг “Ўзбекистонда Озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқида (07.06.2014 й. Самарқанд) таъкидлаб ўтдики “Совет даврида пахта яккаҳокимлиги ва қишлоқ хўжалигини бирёқлама ривожлантириш натижасида унумдор ерлар ва ажойиб табиий-иқлим шароитига эга бўлган Ўзбекистонда аҳоли жон бошига гўшт ва сут маҳсулотлари, ғалла ва ҳатто мева-сабзавот ва картошка истеъмол қилиш собиқ Иттифоқнинг бошқа республикаларига қараганда икки баробар камайиб кетган эди”.

Бу борада кўрилган чора-тадбирлар туфайли ғўза экиладиган майдонлар

икки баробар қисқарди ва пахта етиштириш 6 миллион тоннадан 3 миллион тоннадан сал кўпроқ бўлган даражагача камайди. Пахтадан бўшаган ерларни озик-овқат экинлари учун ажратиб берилди.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ислоҳ қилишнинг асосий негизини кенг кўламли институтчионал ўзгаришлар ташкил этди, уларнинг мазмун-моҳияти маъмурий ва режали-тақсимот тизимидан воз кечиш ва бозор муносабатларига ўтишдан иборат эди.

Қишлоқ хўжалиги ерлари янгитдан ташкил этилган хусусий фермер хўжаликларига ижара асосида ер участкалари ажратиш орқали, давлат томонидан зарур имтиёз ва преференсиялар яратиш йўли билан берилди. Хусусан, фермерлар содалаштирилган солиқ солиш тизимидан фойдаланмоқда – улар фақат битта солиқ, яъни ягона ер солиғини тўлашмоқда. Фермерлар учун ажратиладиган кредитлар ставкаси 5 фоиздан ошмайди.

Фермер хўжаликларига барча турдаги зарур хизматлар кўрсатадиган ишончли бозор инфратузилмасининг ташкил этилгани қишлоқ хўжалиги самарадорлигини оширишда муҳим рол ўйнамоқда. Айни пайтда қишлоқ жойларда 1,5 мингдан зиёд минибанк, қарийб 2 мингта машина-трактор парки, ёқилғи ва минерал ўғит сотиш бўйича 2,5 мингта яқин пункт хизмат кўрсатмоқда. Бундан ташқари, 1,5 мингта сувдан фойдаланувчилар уюшмаси, 350 дан ортик консалтинг марказлари ташкил этилди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини замонавий техника билан таъминлаш учун Германиянинг «Клаас» ва «Лемкен» компаниялари билан ҳамкорликда мамлакатимизда энг замонавий тракторлар, ғалла ўрадиган комбайнлар, плуг ва бошқа тиркама ускуналар ишлаб чиқарилмоқда.

Ўзбекистоннинг кўплаб минтақалари қисқа муддатда жаҳон бозорида харидоргир бўлган мева ва сабзавот маҳсулотлари етиштирадиган ва экспорт қиладиган ҳудудларга айланди. Юртимизда юқори ҳосил берадиган интенсив боғлар ташкил қилинди, томчилатиб суғориш тизими жорий этилди. Фақатгина ўтган йили узумчиликни янада ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурда тоқзорларни 1,3 баробар кўпайтириш кўзда тутилган.

Истиқлол йилларида, яъни ўтган 22-йил давомида қишлоқ хўжалигида амалга оширилган туб ислохотлар натижасида ғалла етиштириш ҳажми 1 миллион тоннадан 7,8 миллион тоннага етди ва Ўзбекистон ғалла экспорт қиладиган мамлакатлар қаторидан жой эгаллади.

Авваллари аҳолини боқиш учун 5 миллион тонна буғдойни четдан сотиб олинар эди. Эндиликда эса ғалла мустақиллигига эришибгина қолмасдан, жуда сифатли буғдойни кўшни давлатларга экспорт қилишга ҳам муваффақ бўлинмоқда.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2 баробардан зиёд ошди. Бу мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 10 миллион кишига ёки 30 фоиздан ортиқ кўпайишига қарамасдан, жон бошига тўғри келадиган гўшт истеъмолини 1,3 баробар, сут ва сут маҳсулотларини 1,6 карра, картошкани 1,7 баробар, сабзавотларни 2-мартадан зиёд, меваларни қарийб 4 баробар ошириш имконини берди.

Мамлакатимизда ҳар йили 16 миллион тоннага яқин мева ва сабзавот етиштирилмоқда. Аҳоли жон бошига қарийб 300 килограмм сабзавот, 75 килограмм картошка ва 44 килограмм узум тўғри келмоқда. Бу оптимал, яъни мақбул деб ҳисобланадиган истеъмол меъёридан уч баробар кўпдир.

Ҳозирги вақтда умумий қиймати қарийб 5 миллиард доллар бўлган озиқ-овқат, биринчи навбатда, мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилинмоқда. Сўнгги уч йилда экспорт қилинаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 3 баробардан зиёд ошди.

Мамлакатимизнинг маҳсулот етказиб берадиган корхоналари халқаро кўرғазма ва ихтисослаштирилган ярмаркаларда фаол иштирок этмоқда. Биз дунёнинг 80 та давлатига 180 турдан ортиқ сархил мева-сабзавот ва уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган маҳсулотларни экспорт қилмоқдамиз. Ўзбекистон ўрик, олхўри, узум, ёнғоқ, қарам ва бошқа кўплаб мева ва сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажми бўйича дунёда шундай маҳсулотларни етказиб берадиган ўнта етакчи давлат қаторига киради.

Мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари юқори суръатлар билан ишлаб

чиқарилмоқда. Ўтган 10-йил давомида юртимизда мева ва сабзавот, полиз маҳсулотлари ва узум етиштириш бўйича эришилган ўсиш суръатлари айнан шундан далолат беради.

Мисол учун, 2004-2013-йилларда сабзавот етиштириш доллар ҳисобида 7,7 баробар, мева етиштириш 5,1 карра, полиз маҳсулотлари 7,8-марта, узум 8,7 баробар ўсди. 2020-йилда мева ва сабзавот, узум ва полиз маҳсулотлари етиштиришни 2014-йилга нисбатан камида 2,3-марта кўпайтиришни мўлжалланган.

Ўз-ўзидан равшанки, мева ва сабзавот маҳсулотлари, узум етиштириш бўйича ана шундай истиқбол режалар қўйилар экан, бундай кўрсаткичларга эришиш учун, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалигини ислоҳ этиш ва модернизация қилиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини ва ирригация тизимини яхшилаш, тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорлигини оширишга қаратилган кенг қўламли ишларни давом эттириш ва чуқурлаштириш зарур. Бу борада хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва албатта мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга жаҳон бозоридаги талабни ошириш, уларни сақлаш, логистика ва истеъмолчиларга етказиб беришнинг замонавий тизимини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилиши даркор.

Озиқ-овқат маҳсулотлари, биринчи навбатда, сабзавот, мева ва узумни даладан истеъмолчига етказиб беришда нобудгарчиликларнинг олдини олиш бўйича жиддий ишларни давом эттириш зарур. Авваламбор, мева ва сабзавотларни сақлайдиган омбор ва музлатгичлар тизими етарли даражада ривожланмагани, логистика ва йўл харажатлари билан боғлиқ кўпгина муаммоларни ечиш талаб этилади.

Юртимизда етиштирилаётган мева-сабзавот маҳсулотларининг аксарият қисми янги узилган ҳолда эмас, балки консервация қилинган, қайта ишланган ёки қуритилган ҳолда истеъмол қилинмоқда. Бундай ҳолатда маҳсулотлар ўзининг сифати, таъми ва тиббиёт нуқтаи назаридан истеъмол хусусиятларини маълум даражада йўқотади.

Мазкур соҳада сезиларли ўзгаришлар бўлаётганига қарамасдан, маҳсулотни

асл ҳолида сақлаш, нарх-наво барқарорлигини таъминлаш, унинг кескин ошиб кетишининг олдини олиш, нарх-навога мавсумий омилларнинг таъсирини камайтириш ва бошқа масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган барча инфратузилма, ресурс ва имкониятларга эга эмасмиз, бу борада музлатиш, нейтрал газли муҳитда сақлаш каби замонавий технологияларни янада кўпайтириш талаб қилинади.

Айни пайтда Ўзбекистонда бу йўналишда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда жами 190 минг тоннадан зиёд мева ва сабзавотлар сақланадиган 274 та замонавий совутгичли камера ва омборларни қуриш ва тўлиқ реконструкция қилиш ишлари ниҳоясига етказилди.

2010-йилда «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида 3 минг тоннадан ортиқ сархил мева-сабзавотни нейтрал газли муҳитда сақлаш бўйича замонавий қувватлар фойдаланишга топширилди. Ушбу маҳсулотлар халқаро авиатранспорт ёрдамида Европа ва Осиё мамлакатлари бозорларига етказиб берилмоқда.

Бунинг учун мамлакатимизда ташкил этилган, Навоий шаҳри халқаро аэропортини ўз ичига олган, дунёдаги йирик юк ташиш компанияларидан бири – «Кореан Эйр» компанияси бошқарувида фаолият кўрсатаётган интермодал логистика маркази қувватларидан кенг фойдаланмоқда.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда жами 630 минг тонна маҳсулотни сақлаш қувватига эга бўлган 1300 дан зиёд омбор мавжуд. Уларда ҳар йили мева-сабзавот маҳсулотларининг асосий турлари сақланмоқда. Бу эса ички бозорда нарх-навони барқарор ушлаб туриш ва кузги-қишки мавсумда ушбу маҳсулотларни экспорт қилишни кафолатли таъминлаш имконини бермоқда.

Яқин вақт ичида Ўзбекистон компаниялари Болтиқ денгизи бўйидаги Лиепай портида бир кеча-кундузда 1,5 минг тонна маҳсулотни сақлаш қувватига эга бўлган транспорт-логистика марказини ташкил этади. Ушбу марказ орқали мева-сабзавот маҳсулотлари Шимолий ва Ғарбий Европа мамлакатларига тўғридан-тўғри етказиб берилади.

Халқаро кишлок хўжалигини ривожлантириш фонди, Осиё тараққиёт банки,

Жаҳон банки, Ислон тараққиёт банки, Глобал экологик фонд, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкilotи каби бошқа кўплаб институтлар, шунингдек, хорижий мамлакатлар ҳукуматлари агентликларининг шу борада кўрсатаётган ёрдами катта бўлмоқда. Уларнинг иштирокида юздан ортиқ инвестиция ва грант лойиҳаларини амалга ошириш учун 1,1 миллиард доллардан ортиқ маблағ жалб этилди.

Ажратилган молиявий маблағлар билан бирга, биринчи навбатда, илғор агросаноат технологияларини жалб этиш, қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси, ирригация ва мелиорация тизимларини ривожлантириш ва реконструкция қилиш, маркетинг ва жаҳон бозорларига чиқиш бўйича янги технологияларни жорий қилиш борасида кўрсатилган амалий ёрдам ва ҳамкорлик қилмоқда.

Ўзбекистон ва Осиё тараққиёт банки ўртасида жадал ривожланиб бораётган, қишлоқ хўжалиги соҳасининг ўзида умумий қиймати 400 миллион доллардан зиёд олтита лойиҳани амалга ошириш имконини берган ҳамкорлик мавжуд.

Ҳамкорликнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бири ирригация тизимларини модернизация қилишга қаратилган лойиҳалардир.

Ўтган йили Осиё тараққиёт банки, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги билан ҳамкорликда Аму-Бухоро машина каналини қайта тиклаш лойиҳасини амалга оширишни бошланди. Унинг доирасида 1,8 миллиондан зиёд одам истиқомат қилаётган 315 минг гектар майдонни сув билан таъминлайдиган ирригация инфратузилмаси реконструкция ва модернизация қилинади.

Қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришда Жаҳон банкнинг иштироки тобора кенгайиб бормоқда. Умумий қиймати 380 миллион доллар бўлган 8 та лойиҳа амалга оширилди, жорий йилда яна умумий қиймати 450 миллион долларлик иккита лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш режалаштирилмоқда.

Жанубий Қорақалпоғистонда узок муддатли имтиёзли кредитлар ҳисобидан сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш бўйича 260 миллион долларлик йирик лойиҳани амалга оширишга киришилмоқда.

Мазкур лойиҳа доирасида яроқсиз ҳолга келиб қолган 30 минг гектар ерни қайта тиклаш режалаштирилмоқда. Келгусида бу майдонларда

диверсификациялашган ва юқори даражада механизациялашган озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш мўлжалланмоқда.

Жаҳон банки билан ҳамкорликда мамлакатимизнинг етти вилоятида амалга оширилаётган, боғдорчилик ва сабзавотчиликни комплекс модернизация қилишга қаратилган, умумий қиймати 200 миллион доллар бўлган лойиҳа катта истиқболга эга бўлиб, унинг доирасида уруғчилик, ўсимликлар селекцияси ва муҳофазаси соҳасидаги илмий-тадқиқот салоҳиятимизни модернизация қилиш ва ошириш, шунингдек, замонавий агротехнологиялар йўналишида сармоялар киритиш мақсадида фермер хўжаликлари ва кичик бизнес субъектлари учун кредит линияларини очиш кўзда тутилмоқда.

Мазкур лойиҳанинг истиқболли ва янгилиги БМТ қошидаги Глобал экологик фонднинг эътиборини тортгани, фонд томонидан фермер хўжаликларида илғор технологияларни жорий этиш ва янги замонавий ускуналарни харид қилишга қаратилган 13 миллион долларлик грант тақдим этилгани қувонарлидир.

Ислом тараққиёт банки билан ҳамкорликда Хоразм, Жиззах ва Сирдарё вилоятларининг ирригация тизимларини қайта тиклаш бўйича умумий қиймати 143 миллион доллар бўлган иккита лойиҳа амалга оширилмоқда, шунингдек, Сурхондарё вилоятида сув ресурсларини бошқаришни яхшилашга қаратилган лойиҳани тайёрлашга киришилди (3.1-жадвал).

3.1-жадвал

Айни пайтдаги Ўзбекистон ва чөл инвесторлари ҳамкорлигидаги лойиҳалар

		Лойи ҳа сони	Миқдори, млн.долл ар
1	Ўзбекистон ва Осиё тараққиёт банки	6	400
2	Осиё тараққиёт банки, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги. Аму-Бухоро машина каналини қайта тиклаш лойиҳаси: 315 минг гектар майдонни сув билан таъминлайдиган ирригация инфратузилмаси реконструкция ва модернизация қилинади	1	
3	Жаҳон банки: Жанубий Қорақалпоғистонда узоқ муддатли имтиёзли кредитлар ҳисобидан сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш бўйича	2	450

	260 миллион долларлик йирик лойиҳа (Мазкур лойиҳа доирасида яроқсиз ҳолга келиб қолган 30 минг гектар ерни қайта тиклаш режалаштирилмоқда) мамлакатимизнинг етти вилоятида амалга оширилаётган, боғдорчилик ва сабзавотчиликни комплекс модернизатсия қилишга қаратилган, умумий қиймати 200 миллион доллар бўлган лойиҳа катта истиқболга эга бўлиб, унинг доирасида уруғчилик, ўсимликлар селекцияси ва муҳофазаси соҳасидаги илмий-тадқиқот салоҳиятимизни модернизатсия қилиш ва ошириш, шунингдек, замонавий агротехнологиялар йўналишида сармоялар киритиш мақсадида фермер хўжаликлари ва кичик бизнес субъектлари учун кредит линияларини очиш кўзда тутилмоқда.		
4	Ислон тараққиёт банки Хоразм, Жиззах ва Сирдарё вилоятларининг ирригатсия тизимларини қайта тиклаш бўйича	2	143

Хорижий шериклар билан биргаликда ташкил этилган, мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш билан шуғулланадиган агросаноат корхоналари иқтисодиётимизда тобора катта ўрин эгаллаб бормоқда.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги соҳасида бугунги кунгача Германия, Голландия, Австрия, АҚШ, Швейцария, Хитой, Жанубий Корея, Италия, Испания каби 50 та мамлакатдан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилган ҳолда, 400 га яқин корхона ташкил этилди. Бу корхоналар янги маҳсулот етиштиришдан тортиб маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлаш асосида тайёр озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришгача бўлган йўналишларда фаолият олиб бормоқда.

Ана шу корхоналарда ўта юқори ҳароратда ишлов бериш, асептик усулда консервалаш, музлатиш ва сунъий қуритиш усуллари тўлиқ ўзлаштирилган. 2013-йилнинг ўзида бу корхоналар томонидан қиймати 800 миллион доллардан ортиқ бўлган маҳсулот ишлаб чиқарилди, жумладан, 200 миллион доллардан зиёд маҳсулот экспорт қилинди.

Яқин йилларда мева-сабзавот хомашёсини қайта ишлаш ва унга ишлов бериш бўйича умумий қиймати 150 миллион долларга яқин бўлган 265 та инвестиция лойиҳасини қўшимча равишда амалга ошириш кўзда тутилган. Бу соҳага киритилган сармоялар кўп харажатни талаб этмаслиги, шу билан бирга, 1,5-4-йил ичида ўзини қоплаши билан эътиборлидир.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг аҳамияти бениҳоят катта бўлиб, у қуйидагилар билан изоҳланади:

- хорижий инвестициялар ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жорий этиб, экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантиради;

- импорт ўрнини босувчи товар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бунинг учун хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор соҳаларига йўналтириш ва пировардида аҳолининг меъёрдаги турмуш даражасини таъминлаш имконини яратади;

- кичик бизнесни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жадаллаштириш орқали ўсиб бораётган аҳолини иш жойлари билан таъминлайди;

- корхоналарнинг эскирган ишлаб чиқариш қувватларини, моддий-техник базасини янгилайди ва техник қайта қуроллантиради;

- табиий ресурсларни қайта ишловчи корхоналарни барпо этишга кўмаклашади ва ҳ.к.

Бугунги кунда хорижий инвестицияларни янада кенгроқ миқёсда жалб қилиш, хорижий инвесторларни ўз маблағларини мамлакат иқтисодиёти учун сарфлашга қизиқтириш мақсадида қонун асосида улар учун имтиёзли молиявий шароитлар яратилган, жумладан:

- хорижий инвесторлар капиталини сақланиши учун кафолатлар;
- кўрилган зарарларни қопланиши учун кафолатлар;
- солиққа тортиш тизимида уларга оид белгиланган имтиёзлар;
- фойда ва даромадларни хорижга олиб чиқиб кетишнинг эркинлиги;
- миллий сўмда ва чет эл валютасида олинган фойдаларни ўтказиш ва олиб чиқиб кетиш имконияти;
- божхона имтиёзларининг мавжудлиги;
- хорижий инвесторларнинг мулклари ва уларнинг ўзларини хавф-хатарлардан суғуртавий муҳофаза қилиш тизимини яратилганлиги.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ислохотларни бошланиш давридан чет эл инвестицияларини жалб қилишга тузилмавий қайта қуришнинг ҳамда умумжаҳон иқтисодий ҳамжамиятига кириб боришини тезлаштирувчи омил сифатида асосий устуворлик берилди.

Ҳозирда, Республикада хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича ҳуқуқий база яратилди, инвестицияларни жалб қилиш ва хорижий инвесторларга хизмат кўрсатувчи инфраструктура барпо қилинди ва бу жараён такомиллашиб бормоқда.

Инвестиция жалб этиш ва ўзлаштиришнинг эришилган суръатларини сақлаб қолиш, шунингдек вилоятлардаги, айниқса кам ривожланган ва дотацион туманлардаги инвестицион фаолликни жонлаштириш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим бўлади:

- инвестицион имкониятларни ўрганиш ва лойиҳаларни молиялаштириш манбаларини аниқлаш, биринчи навбатда, замонавий юқори технологик ишлаб чиқаришни ташкил этишда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб

этишни назарда тутиш;

- ҳар бир туманнинг ишлаб чиқариш инфратузилмаси ҳолатини, шунингдек, амалга оширилган ва оширилаётган йирик инвестиция лойиҳаларини ҳисобга олган ҳолда унинг ривожланиш истикболини ўрганиш;

- қолоқ регионлар, корхоналарни модернизациялаш, асбоб-ускуналар харид қилиш учун берилган мавжуд имтиёз ва преференциялардан кенг фойдаланиш;

- хорижий инвесторларни тўғридан-тўғри инвестиция шартномалари тузиш орқали кенгроқ жалб қилиш;

- ташқи иқтисодий алоқалар, савдо-саноат палатаси, “Ўзинфоинвест” агентлигининг ҳудудий тузилмалари билан стратегик хорижий ҳамкорларни жалб қилишда, хорижий инвесторлар учун кафолат сифатида фаол алоқа ўрнатиш;

- мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялаш ва кенгайтириш доирасида лойиҳаларни амалга ошириш;

- янги саноат объектларини, айниқса, дотацион туманларда самарали жойлаштириш орқали янги корхоналарни ташкил этиш;

- ҳар бир туманда алоҳида ишлаб чиқариш йўналишлари бўйича махсус саноат ҳудудларини ташкил қилиш имкониятларини ўрганиш;

- йирик корхоналар билан кичик бизнес ўртасидаги кооперация алоқаларини кенгайтириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Тошкент, 2002.
2. «Дехқон хўжаликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги Қонуни.
3. «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги Қонуни.
4. «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги Қонуни.
5. «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрдаги Қонуни.
6. «Лизинг тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелдаги Қонуни.
7. «Фермер хўжаликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августдаги янги таҳрирдаги Қонуни.
8. «2004-2006 йилларда фермер хўжалиқларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги Фармони.
9. «Тўғридан-тўғри хусусий чет эл инвестицияларини жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги Фармони.

10.Каримов И.А. Қишлоқ хўжалиги тараққиёти тўқин ҳаёт манбаи. - Тошкент, 1998.

11.Каримов И.А. Жамятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш - барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. - Тошкент, 2007.

12.Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш - барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. - Тошкент, Ўзбекистон, 2008. - 23 б.

13.Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. - Тошкент, 2009.

14.Каримов И.А. Асосий вазифамиз - Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. - Тошкент, 2010.

15.Ўлмасов А. Иқтисодиёт асослари. - Тошкент, 1997.

16.Ғуломов С.С. Инвестицияларнинг лойиҳавий таҳлили. - Тошкент, 1998.

17.Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. - Тошкент, 2003.

18.Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. - Тошкент, 2004.

19.Ўлмасов А., Вахобов А. Иқтисодиёт назарияси. - Тошкент, 2006.

20.Жўраев А.С., Хўжамқулов Д.Ю., Маматов Б.С. Инвестиция лойиҳалари таҳлили. - Тошкент, 2003.

21.Тўхлиев Н. ва бошқалар. Ўзбекистон иқтисодиёти асослари. - Тошкент, 2006.

22.Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитасининг статистик маълумотлари.

23.Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг статистик маълумотлари.

24.Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш,

барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. //Халқ сўзи, 2014 йил 18 январь, №13, 1-б.

25.UNCTAD, World Investment Report 2013. 9 p.

26.OECD International direct Investment statistics database. September 2012 y.

27.Annual national accounts: Gross domestic product, OECD National Accounts Statistics (database)<http://dx.doi.org/10.1787/inv-usd-table-2013-6-en>

28.Штульберг Б.М., Введенский В.Г. Региональная политика России: теоретические основы, задачи и методы реализации. –М.: ГЕЛИОСАРВ, 2000, с.79.

Интернет веб саҳифалари:

29. www.gov.uz

30. www.stat.uz

31. www.o'zqishloqxo'jalikmashlizing.uz

32. www.tsue.uz